

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

130
621,03
182



«ИССИҚЛИК ТЕХНИКАСИНинг НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ»
фанидан тажриба ишлари тўплами

УСЛУБИЙ ИШЛАНМАСИ

2-қисм

Тошкент 2007

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ


АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Узб
б21.03
Н82г

«ИССИҚЛИК ТЕХНИКАСИННИГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ»
фанидан тажриба ишлари тўплами

УСЛУБИЙ ИШЛАНМАСИ

2-қисм



Т о ш к е н т 2 0 0 7

УДК 621.1.016.7

«Иссиқлик техникасининг назарий асослари» фанидан тажриба ишлари түплами услугбий ишланмаси. 2-қисм. Алимова М.М., Мавжудова Ш.С., Исаходжаев Х.С., Рахимжонов Р.Т., Умаржонова Ф.Ш.- Тошкент, ТошДТУ, 2007. -79 б.

Услубий ишланмада “Иссиқлик техникасининг назарий асослари” фанидан иссиқлик сифими, бугланиш иссиқлиги, нам ҳаво ва иссиқлик бериш мавзуларига оид тажриба ишлари келтирилди.

Бакалавр таълим йўналиши талабаларига мўлжалланган.

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети илмий-услубий кенгаши қарорига биноан чоп этилди.

Тақризчилар:

Физика-техника институти
“Селектив қоплаш ва қуёш иссиқлик
қурилмалари” лаборатория мудири, проф.
ТошДТУ ИЭ кафедраси
доценти, т.ф.н.

Р.Р.Авезов

Х.А.Алимов

1- тажриба иши

ҮТА ҚИЗИГАН СУВ БУФИНИНГ ҮЗГАРМАС БОСИМДАГИ ИССИҚЛИК СИГИМИНИ АНИКЛАШ

Ишнинг мақсади: тажриба ўтказиш, ўлчаш натижаларига ишлов бериш ва олинган маълумотларни умумлаштириш бўйича талабалар малакасини ошириш.

I. НАЗАРИЙ ҚИСМ

Иш давомида берилган t_1 , t_2 ҳарорат оралиғида ўртача солиширма массавий изобар иссиқлик сигими $C_{p_m} \Big|_{t_1}^{t_2}$ аникланади.

Солиширма массавий изобар иссиқлик сигими $P=\text{const}$ босимда 1 кг модданинг ҳароратини 1°C га ошириш учун керак бўладиган иссиқлик микдорига tengdir. Берилган ҳарорат оралиғи иссиқлик учун иссиқлик сигимининг ўртача қиймати:

$$C_{p_m} \Big|_{t_1}^{t_2} = \frac{q_p}{t_2 - t_1}, \frac{\kappa \mathcal{K}}{\text{кг} \cdot \text{гр}} \quad (1.1)$$

Бу ифода: q_p - ўзгармас босим ($P=\text{const}$) 1 кг моддага берилган иссиқлик микдори ;
 t_1 - бошлангич ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$;
 t_2 - охирги ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$;

Солиширма иссиқлик сигимининг ўлчов бирлиги қуйидаги тенгликни ҳисобга олиш натижасида олинган: $(t_1 - t_2)^0\text{C} = (T_2 - T_1)\text{K}$.

$C_{p_m} \Big|_{t_1}^{t_2}$ нинг қиймати ҳароратлар фарқига боғлиқ (умумий ҳолда босимга ҳам боғлиқ, лекин бу ишда бундай масала кўрилмайди).

Ўлчашлар атмосфера босимида ўта қизиган сув буғи учун ўтказилади. Ўта қизиган сув буғи – берилган босимда қайнайётган сувнинг ҳарорати $t_{\text{кай}}$ га қараганда катта ҳароратга эга бўлган бугдир. Атмосфера босими одатда Тошкент шахри учун 720-730 мм сим.уст. (0,96-0,973 бар) га teng; бунга эса қайнаш ҳарорати $t_{\text{кай}} = 99^{\circ}\text{C}$ тўғри келади.

УДК 621.1.016.7

«Иссиқлик техникасининг назарий асослари» фанидан тажриба ишлари тўплами услубий ишланмаси. 2-қисм. Алимова М.М., Мавжудова Ш.С., Исаходжаев Х.С., Рахимжонов Р.Т., Умаржонова Ф.Ш.- Тошкент, ТошДТУ, 2007. -79 б.

Услубий ишланмада “Иссиқлик техникасининг назарий асослари” фанидан иссиқлик сигими, буғланиш иссиқлиги, нам ҳаво ва иссиқлик бериш мавзуларига оид тажриба ишлари келтирилди.

Бакалавр таълим йўналиши талабаларига мўлжалланган.

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети илмий-услубий кенгаши қарорига биноан чоп этилди.

Тақризчилар:

Физика-техника институти

“Селектив қоплаш ва қуёш иссиқлик курилмалари” лаборатория мудири, проф.
ТошДТУ ИЭ кафедраси
доценти, т.ф.н.

Р.Р.Авезов

Х.А.Алимов

ҮТА ҚИЗИГАН СУВ БУФИННИНГ ҮЗГАРМАС БОСИМДАГИ ИССИҚЛИК СИФИМИНИ АНИҚЛАШ

Ишнинг мақсади: тажриба үтказиш, ўлчаш натижаларига ишлов бериш ва олинган мълумотларни умумлаштириш бўйича талабалар малакасини ошириш.

I. НАЗАРИЙ ҚИСМ

Иш давомида берилган t_1 , t_2 ҳарорат оралиғида ўртача солиширма массавий изобар иссиқлик сифими $C_{p_m} \Big|_{t_1}^{t_2}$ аниқланади.

Солиширма массавий изобар иссиқлик сифими $P=\text{const}$ босимда 1 кг модданинг ҳароратини 1°C га ошириш учун керак бўладиган иссиқлик миқдорига тенгdir. Берилган ҳарорат оралиғи иссиқлик учун иссиқлик сифимининг ўртача қиймати:

$$C_{p_m} \Big|_{t_1}^{t_2} = \frac{q_p}{t_2 - t_1}, \frac{\kappa \mathcal{K}}{\text{кг} \cdot \text{гр}} \quad (1.1)$$

Бу ифода: q_p - ўзгармас босим ($P=\text{const}$) 1 кг моддага берилган иссиқлик миқдори ;
 t_1 - бошлангич ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$;
 t_2 - охирги ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$;

Солиширма иссиқлик сифимининг ўлчов бирлиги қуйидаги tenglikni ҳисобга олиш натижасида олинган: $(t_1 - t_2)^0\text{C} = (T_2 - T_1)K$.


$C_{p_m} \Big|_{t_1}^{t_2}$ нинг қиймати ҳароратлар фарқига боғлиқ (умумий ҳолда босимга ҳам боғлиқ, лекин бу ишда бундай масала кўрилмайди).

Ўлчаушлар атмосфера босимида ўта қизиган сув буғи учун ўтказилади. Ўта қизиган сув буғи – берилган босимда қайнатган сувнинг ҳарорати $t_{\text{каj}}$ га қараганда катта ҳароратга эга бўлган буғdir. Атмосфера босими одатда Тошкент шаҳри учун 720-730 мм сим.уст. (0,96-0,973 бар) га тенг; бунга эса қайнаш ҳарорати $t_{\text{каj}} = 99^{\circ}\text{C}$ тўғри келади.

Ўта қизиган буғ тўйинган буғга иссиқлик беришни давом эттириш натижасида ҳосил бўлади. Тўйинган буғ эса берилган босимда, қайнаётган сув билан мувозанат ҳолатида бўлиб, у билан бир хил ҳароратга эга бўлади. Қайнаётган сувнинг томчиларини ўзида сақлаган буғга нам тўйинган буғ дейилади. Куруқ тўйинган буғнинг таркибида қайнаётган сув томчилари бўлмайди.

II. ТАЖРИБА ҚУРИЛМАСИННИГ БАЁНИ

Ўта қизиган сув буғининг ўзгармас босимидағи массавий иссиқлик сифими $C_{p_m} \left| \frac{l_2}{l_1} \right.$ ни аникладиган тажриба қурилмасининг чизмаси тасвири 1.1-расмда кўрсатилган.



1.1-расм.

Тажриба ўтказиш учун керак бўладиган буғ буғ генератори 1 да сувнинг ўзгармас атмосфера босими остида


қайнаши туфайли ҳосил бўлади. Иссиклик микдори занжирида ЛАТР-3 бўлган электр қиздиргичлардан ажралиб чиқади. ЛАТР электр қиздиргичларнинг кувватини созлаш, қайнашнинг зарур бўлган жадаллигини ҳосил қилиш учун, яъни тажриба қурилмасидан вақт бирлигида ўтаётган бугнинг микдорини созлашга имкон беради. Сувнинг сатҳини назорат қилиб туриш учун буғ генератори сув сатҳини кўрсатувчи шиша найча 4 билан жиҳозланган. Буғ генераторда ҳосил бўлган нам тўйинган буғ қиздиргичга ўтади. Бу ерда $P=\text{const}$ босимда электр қиздиргич 2 дан ажралиб чиқадиган иссиқлик микдори ҳисобига қуруқ тўйинган бугга айланади (яъни қуритилади). Қуруқ тўйинган сув бугининг ҳарорати ва электр қиздиргичнинг куввати ЛАТР-3 орқали бошқарилади. Сўнгра t_1 ҳароратга эга бўлган қуруқ тўйинган буғ калориметр 6 га ўтади. Бу ерда у ўзгармас босимда электр қиздиргичдан ажралган иссиқлик микдори ҳисобига маълум бир t_2 ҳароратигача қизитилади ва ўта қизиган бугга айланади. t_2 ҳароратни ЛАТР ёрдамида калориметр қизитгичининг кувватини бошқариш натижасида ҳосил қилиш мумкин. Занжирдаги ток кучи ва кучланиш амперметр ҳамда вольтметр орқали ўлчанади.

Калориметрга киришдаги қуруқ буғ ҳарорати t_1 ва ундан чиқишидаги ўта қизиган бугнинг ҳарорати t_2 ларни ўлчаш учун туташтирувчи найчалардан терможуфт 7 нинг иссиқ учлари ўрнатилган бўлиб, уларнинг совук учлари эриётган музли (0°C) Дъюар идиш 8 га жойлаштирилган. Терможуфт қўшгич 9 орқали градусда даражаланган милливолтметрга уланган.

Ўта қиздирилган сув буғи калориметрдан чиқиб конденсаторга ўтади. Буғ иссиқлигини совитувчи сувга беради ва конденсатга айланади, ҳосил бўлган конденсат эса ўлчагич идиши 12 га йигилади. Йигилган конденсатнинг массаси тажриба вақтида калориметр орқали ўтган бугнинг массасига tengdir.

Буғ генератори, буғ ўта қиздиргичи, калориметр ва туташувчи найчалар изоляцион материаллар билан қопланган. Калориметр 8 қиздиргич 2 дан буғни ўта қиздириш учун берилаётган иссиқликни ташқи муҳитга сочилиб кетмаслиги учун ушбу калориметр қўшимча компенсацион электр қиздиргич 13 билан таъминланган. 3-расмда кўрсатилаётгандек, у иккала иссиқликни изоляция қилувчи қатламлар 14 нинг орасида жойлашган ва ЛАТР орқали электр тармоғига уланган (1.2-расм). Биринчи изоляция қатламида юзасида учта дифференциал

терможуфтлар 15 ўрнатилган (калориметрнинг паст, ўрта ва юқори қисмида) ва уларга улагич 9 орқали потенциометр 10 га чиқарилган.



1.2-расм

Умуман компенсацион электр қиздиргични ўрнатишдан мақсад калориметр ичидаги электр қиздиргич ажратиб чиқараётган иссиқликни ташки мұхитга чиқиб кетишга түсінілік күлувчи иссиқлик майдон яратылады. Маълумки, бундай түсікда иссиқлик оқимларининг ҳарорати бир-бирига тенг бўлади. Буни ЛАТР ёрдамида компенсацион электр қиздиргичнинг қувватини бошқариш (мослаш) натижасида рўёбга чиқариш мумкин. Бошқача айтганда, калориметр орқасига ўтаётган бугни ўта қиздириш жараёни давом эттирилган пайтда дифференциал терможуфтлардаги иссиқлик электр юритувчи кучнинг (термоЭЮК) нолга тенг бўлишига эришиш керак (бу пайтда потенциометр нолни кўрасатади), яъни изоляциянинг ички ва ташки ҳарорати фарқи мавжуд эмас (иссиқлик оқими

йўқ) ва калориметрнинг қиздиргичида ажralиб чиқаётган иссиқлик бутунлай буғга берилаётганидан далолат беради.

III. ТАЖРИБА ЎТКАЗИШ УСУЛИ ВА ТАРТИБИ

Тажриба вақти τ (сек) давомида калориметрнинг электр қиздиргичи маълум микдорда иссиқликни ажратиб чиқаради:

$$Q = W \tau, \text{ кЖ} \quad (1.2)$$

Электроқиздиргичнинг қуввати

$$W = I \cdot \Delta U \cdot 10^{-3}, \text{ кВт} \quad (1.3)$$

Бу ерда I – электр қиздиргичнинг занжирдаги ток кучи,

(амперметр ёрдамида ўлчанади);

ΔU - кучланиш, В (волтметр ёрдамида ўлчанади).

Агар тажриба давомида буғ қиздиргич орқали M кг буғ ўтган (идишда M кг конденсатор йифилган) бўлса, унда 1 кг буғга $P=\text{const}$ босимда берилган иссиқлик :

$$q_p = \frac{Q}{M}, \quad \frac{\text{кЖ}}{\text{кг}} \quad (1.4)$$

олинган q_p нинг қийматини (1.1) ифодага қўямиз.

IV. ТАЖРИБА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

1. Буғ генераторининг электр қиздиргичини электр тармоғига улаймиз. Сув қайнаши билан буғ қиздиргич, калориметр ва компенсацион электр қиздиргичларига ЛАТР ёрдамида 110 В кучланиш берамиз.

2. ЛАТР ёрдамида t_1 ҳароратни $105-110^{\circ}\text{C}$ га, t_2 ҳароратни $145-150^{\circ}\text{C}$ гача қўтарамиз.

3. Потенциометрга ҳар бир дифференциал терможуфтни қайта улаб, уларнинг термоЭЮК ни ўлчаймиз. Компенсацион қиздиргич ЛАТРи ёрдамида потенциометрнинг кўрсатишини нолга яқинлаштирамиз. Хатолик 0,5 мВ бўлиши мумкин.

4. I , ΔU , t_1 ва t_2 ларнинг қийматлари вақт ўтиши билан ўзгармаётгандигига, яъни курилма барқарор ҳолатда ишлаётганига ишонч ҳосил қиласмиз.

5. Секундомерни ишга тушириб, 12-15 дақиқа давомида конденсатнинг ўлчагич идишга йифилиши кузатилади. Ҳар 3

минут давомида асбоблардан I , ΔU , t_1 ва t_2 ларнинг қийматини олиб жадвалга ёзилиб борилади.

1. 12 ёки 15 дақиқа ўтиши билан йигилган конденсатнинг массаси M кг да аниқланади.

Асбоблар кўрсатиши ва тажриба натижалари жадвали

N/ N	Вакт мин. τ	Буғнинг ҳарорати		Ток кучи I , А	Кучланиш ΔU , В
		t_1 , °C	t_2 , °C		
1	0				
2	3				
3	6				
4	9				
5	12				

Y. ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

Куйидагилар ҳисобланади:

- (1.3) – ифода ёрдамида калориметр электр қиздиргичнинг куввати W ҳисобланади.
- (1.1) – ифода ёрдамида ўта қизиган сув буғнинг солиштирма иссиқлик сифими ҳисобланади.
- Ўзгармас атмосфера босимидағи ўта қиздирилган буғнинг солиштирма массавий иссиқлик сифимининг ҳақиқий қиймати миқдорда аниқликка эга бўлган ифода ёрдамида топилади.

$$C_{pm} \Big|_{t_1}^{t_2} = 1,8401 + 0,000586 \cdot t_{\text{ж}} \text{p}$$

- Тажриба ёрдамида аниқланган ва ҳақиқий иссиқлик сифими ўртасидаги нисбий хатолик топилади:

$$\delta C_{pm} \Big|_{t_1}^{t_2} = \frac{C_{pm} \Big|_{t_1 \text{ жак}}^{t_2} - C_{pm} \Big|_{t_1 \text{ таж}}^{t_2}}{C_{pm} \Big|_{t_1 \text{ жак}}^{t_2}} \cdot 100\%$$

Иш юзасидан ёзилган ҳисоботда ишнинг қисқа баёни, тажриба чизмаси, тажриба натижалари ёзилган жадвал, ҳисоблар бўлиши керак.

ЖИСМ ҚАЙНАГАНДА БОСИМИ ВА ҲАРОРАТИ ОРАСИДАГИ БОҒЛАНИШИНИ ТАЖРИБА ЙЎЛИ БИЛАН АНИҚЛАШ

Ишнинг мақсади: Фазавий ўтишдаги билимларни мустаҳкамлаш, жисмни бир фазадан иккинчи фазага ўтишдаги ҳолат ўзгаришларини ўрганишдан иборат.

I. НАЗАРИЙ ҚИСМ


Бизга маълумки, жисм бир фазадан иккинчи фазага ўтишда унинг ҳолати ўзгариши ўз навбатида параметрларининг, яъни босим ва ҳароратининг ўзгариши билан амалга оширилади. Шунинг учун фазавий ўтиш ҳолатини, унинг диаграммаларини кўриб чиқиш жуда аҳамиятлидир. Фазавий ўтиш - бу суюқ, қаттиқ ва газсимон ҳолатларни бир-бирига ўтишининг оқибатидир. Жисм қаттиқ ҳолатдан суюқ ҳолатга, суюқдан газ ҳолатига ўтиши мумкин, лекин ҳар қандай ўтиш ҳолатида ҳам улар бир-бири билан мувозанат ҳолатида бўлади. Фазанинг массаси ўзгарса ҳам, унинг мувозанат ҳолати бузилмайди. Шунинг учун икки ҳолат исталган ҳарорат ва босимда мувозанат ҳолатида бўлмай, балки ҳарорат ва босимнинг аниқланган ҳолатида бўлади, бунда бу параметрлардан бири иккинчисига боғланган ҳолда бир-бирининг қийматини аниқлайди. Улар ўзаро фазавий диаграмма бўйича бир-бирига боғланади. Техникада жуда кўп шундай саволлар учрайдики, бунда жисмларни қаттиқ ҳолатдан суюқ ҳолатга, суюқдан газ ҳолатга ўтишдаги жараёнларни билиш зарур бўлади.

Тажриба шуни кўрсатадики, жисмлар босим ва ҳароратга боғлиқ равишда бир вақтнинг ўзида икки ёки уч ҳолатда бўлиши мумкин.

Қаттиқ ҳолатдан суюқ ҳолатга ўтиш – эриш, суюқ ҳолатдан газ ҳолатга ўтиш – бугланиш, қаттиқ ҳолатдан газ ҳолатга ўтиш-сублимация ҳолатлари дейилади.


Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш фазавий ўтиш дейилади. Бундай ўтиш берилган ҳароратда ва берилган босимда амалга ошиши мумкин.

Фазавий мувозанат ҳолати деб, жисм бир фазадан иккинчисига ўтаётгандаги ҳолатининг мувозанатда бўлишига айтилади. Мувозанат ҳолатини $P-t$ диаграммада график равишида жуда қулай ҳолда чизиб кўрсатса бўлади (2.1-расм).



2.1-расм.

2.2-расмда жисмнинг фазавий ўтишни $P-t$ диаграммаси келтирилган. ac - эгри чизиги жисмнинг қаттиқ ва газсимон фазаси мувозанат ҳолатини характерловчи; ab – жисмнинг суюқ ва қаттиқ фазаларни мувозанат ҳолатини характерловчи эгри чизиги; ad – жисмнинг суюқ ва газсимон фазаларни мувозанат ҳолатини характерловчи эгри чизигини характерлайди.



2.2- расм

cad – эгри чизифидан ўнгрокда жисмнинг газсимон ҳолати жойлашади. *ab* ва *ad* – жисмнинг суюқлик фазаси; *cab* эгри чизикдан чапрокда – жисмнинг қаттиқ фазасини характерлайди.


Диаграмада *ad* эгри чизиги, суюқ ҳолатдан буғ ҳолатга фазавий ўтишдаги босим билан ҳарорат орасидаги боғланиш $P=f(t_i)$ ни ифодалайди. Бу эгри чизиги К критик нуктада тугайди. Босим критик нуктадаги босимдан юқори бўлганда суюқ ҳолатдан буғланиш ҳолатига фазавий ўтиш ҳолати бўлмайди, чунки бундай босимда суюқлик билан газнинг фарқи бўлмайди. Агар суюқликдан $P=\text{const}$ бўлганда иссиқликни олиб кетилса, суюқлик қаттиқ ҳолатга ўтади. Бу ҳароратни эриш ҳарорати – $T_{\text{эриш}}$ дейилади, иссиқлик микдори эса, эриш иссиқлиги дейилади. Эришда жисм иккита фазада бўлади. Диаграммадаги *ab* эгри чизиги қаттиқ ҳолатдан суюқ ҳолатга фазавий ўтишдаги босим билан ҳарорат $P=f(T_{\text{эриш}})$ орасидаги боғланишни характерлайди.

2.1-расмда кўрсатилганидек, жисмнинг суюқ ҳолати бўлиб, фазалар мувозанати эгри чизиги ҳисобланади. Бу эгри чизик критик изотермик чизиги ёки критик изохора чизиги билан чекланган бўлади. Колган қисми бир фазали газ фазаси билан характерланади.

II. ТАЖРИБА ҚУРИЛМАСИННИГ БАЁНИ

Ҳар хил босимда қайнаш ҳароратларини аниқлаш бир неча усууллар билан олиб борилади. Ушбу ишда ацетон гази қайнаганда унинг босими билан ҳарорати орасидаги боғланишни аниқлаш усули келтирилган, унинг қурилмаси 2.3-расмда келтирилган.

Термостат – бу узок вақт давомида ҳароратни бир хил ушлаб туриш учун мўлжалланган қурилмадир. Термостатни ичига трансформатор мойи солиниб, унинг ичига назорат термометри, аралаштиргич, контактли термометр ҳамда ичига ацетон гази тўлдирилган Бурдон трубкаси солинади.



2.3- расм.

1-термостат; 2-термостат қопқоғи; 3- трансформатор мойи; 4-Бурдон найчаси; 5-манометр ўқи; 6-манометр шкаласи; 7-манометр стрелкаси; 8-назорат термометри; 9-аралаштиргич; 10-двигатель; 11-кўшимча иситгич,12- асосий иситгич.

Термостатнинг ичидаги мой асосий ва қўшимча иситгичлар билан иситилади. Термостат ичидаги контактли термометрнинг (унинг тузилиши билан бевосита биринчи ишни ўтилганда танишилган) шишли найчасимон учига кичик найча ўрнатилган бўлиб, унга бир учи капиллярга кирадиган мениск ўрнатилган, унинг винти буралганда найча винт бўйича туширилади ёки кўтарилиди ва капиллярдаги қўзгалувчан менискни юргазади. Шунинг учун ҳам унинг учини иситгичнинг релесига улаб кўйилади. Бизга керак бўлган ҳарорат ҳосил бўлганда, уни назорат термометри орқали аниқлаб оламиз. Бу қурилмада аралаштиргич

термостатни ҳамма томонидан ҳароратни бир хил ушлаб туриш учун хизмат қиласи.

III. ТАЖРИБА ЎТКАЗИШ УСУЛИ ВА УНИ ҲИСОБЛАШ

1. Контактли термометрда керакли ҳароратни ўрнатиш ва термостатдаги иккита иситгични улаш.
2. Ҳароратларнинг ўзгариши $50\div 80^{\circ}\text{C}$ да бўлади, чунки ацетон газининг қайнаши ва буғланиши шу ҳароратлар оралиғида (760 мм сим.уст.) $56,6^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади; 80°C ҳарорат эса тўйинган буғнинг босимига тўғри келади.
3. Иситгичнинг ўчирилишини тасдиқлаш (тавсифли овоз бўйича), назорат термометри бўйича ҳароратни ёзиш.
4. Манометр шкаласи бўйича ортиқча босимни ёзаб олиш.
5. Барометр ёрдамида атмосфера босими қийматини ёзаб олиш.
6. Барча кўрсаткичларни кузатишлар жадвалига ёзин (2.1-жадвал).

2.1-жадвал


Асбоблар кўрсатиши ва тажриба натижалари

№	$t, {}^{\circ}\text{C}$	$P_{\text{опт}}, \text{кг/см}^2$	$P_{\text{атм}}, \text{мм сим.уст.}$	$P_{\text{мут}}, \text{атм.}$
1				
2				
3				
4				
5				
6				

7. Мутлақ босимни ҳисоблаш:

$$P_{\text{мут,атм}} = \frac{\frac{K_2 \cdot K}{cm^2}}{1,033} + \frac{P_{\text{бар.мм сим уст}}}{760}, \quad (2.1)$$

8. Олинган қийматларнинг P -т диаграммада масштаб ёрдамида босим ва ҳарорат орасидаги боғланиш чизигини ҳосил қилиш.



9. Тажриба орқали олинган маълумотлар ва берилган бизга маълум бўлган қийматларни солиштириш натижасида тажриба хатолигини аниқлаш.

$$\delta = \frac{P - P_{\text{масъл}}}{P_{\text{масъл}}} \cdot 100\%, \quad (2.2)$$

Иш юзасидан ёзилган ҳисоботда ишнинг қисқа баёни, тажриба чизмаси, тажриба натижалари ёзилган жадвал, ҳисоблар бўлиши керак.

3- тажриба иши

КОНДЕНСАЦИЯ УСУЛИДА БУГЛАНИШ ИССИКЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Ишнинг мақсади: Буғланиш иссиқлигини тажриба орқали аниқлашда янгиликларни ўрганиш.

I. НАЗАРИЙ КИСМ

1 кг модданинг бир фазадан бошқасига изотермик мувозанатли ўтишида ютилган (ёки ажралиб чикқан) иссиқлик миқдорига солиштирма фазавий ўтиш иссиқлиги дейилади. Модданинг суюқ ҳолатдан газ ҳолатига ўтишидаги иссиқлик миқдори буғланиш (буғ ҳосил бўлиш) иссиқлиги дейилади. Изотермик мувозанатли ўтиш бир вақтнинг ўзида изобарик бўлиб, (мувозанатли икки фазали система шартига асосан) буғланиш иссиқлигини қайтувчан жараёнлар учун термодинамиканинг II қонуни тенгламасига асосланган ҳолда куйидагича:

$$q_T = T \Delta S$$

Термодинамиканинг I қонуни тенгламасига асосан:

$$q_p = \Delta h$$

Бундан

$$r = T(S'' - S') \quad \frac{\kappa \mathcal{K}}{kg} \quad (3.1)$$

$$r = h'' - h' \quad (3.2)$$

Бу ерда: битта штрих ва иккита штрих белгилари мос равища мувозанатдаги суюқлик ва буғнинг параметрларидир.

(3.2) ифодадан $h = u + r v$ ни ҳисобга олиб

$$r = u'' - u' + P_s(V'' - V') \quad (3.3)$$

бу ерда P_s – берилган ҳароратдаги тўйиниш босими.

Шундай қилиб, буғланиш иссиқлиги модданинг суюқ ҳолатига ўтишда $u'' - u' = \varphi$ ички энергиясининг ўзгаришига (бу катталик ички буғланиш иссиқлиги ҳам дейилади) ва модданинг ҳажми V' дан V'' иш бажаришга $P_s(v'' - v') = \psi$ (ташқи

буғланиш иссиқлиги) сарфланади. Ички буғланиш иссиқлиги молекулаларнинг бир-бирига тортишиш кучига боғлиқ ва у микдор жиҳатдан ишга тенг. Бу иш ҳажмининг V' дан V'' га ўзгаришида молекуляр тортишиш кучига қарши иш бажариш керак.


(3.3) ифоданинг ўнг қисмидаги ҳамма параметрлар ҳароратнинг функциясиdir, шунинг учун г ҳам ҳарорат T_s функциясиdir (ёки буғ ҳосил бўлишидаги босим, чунки P бир пайтда T_s ни аниқлайди).

Ҳарорат ортиши билан буғланиш иссиқлиги камаяди ва критик нуқтада нолга tengлашади.

III. ТАЖРИБА ҚУРИЛМАСИННИГ БАЁНИ

Калориметр ёрдамида конденсация усулида буғланиш иссиқлиги аниқланади.

Тажриба қурилмасининг чизмаси 3.1-расмда келтирилган.



3.1-расм.

Буғлатгич 1 да атмосфера босими остида сув жойлашган. Электр иситгич ёрдамида сув қайнаб бүгга айланади. Мунтазам қайнаш ҳолати үрнатилгунча, бүг уч йўлли кран 2 орқали калориметрдан сўнг кран 2 ни бураб, ҳосил бўлган куруқ тўйинган бүг калориметрдаги илонсимон қувурга юборилади. Калориметрдаги ҳарорат қайнаётган сув ҳароратидан паст бўлгани учун бүг конденсатга айланиб идиш 5 га йигилади. Бу идиш атмосфера қувури 6 га уланган.

3.1-расмда юқоридагилардан ташқари термометр 7, айлантиргич 8, электр двигатель 9, иссиқлик изоляция идиши 10, электр иситгич 11, буғлатгич термометри 12 ва сув белгиловчи найча 13 берилган.

IV. ТАЖРИБА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА УСУЛИ

Тажриба ўтказишдан олдин буғлатгичга сув белгиланган сатҳгача қуйилади. Иситгич улангандан кейин ва мунтазам бүг ҳосил бўлгунча уч йўлли кранни атмосфера билан уланади. Илонсимон қувурга бүг келгунча, калориметрдаги t_1 ҳарорат ўлчанади. Буғлатгичдаги сув сатҳи 2 см-га камайганда бутнинг берилиши тўхтатилади ва иситгич ўчирилади.

Калориметрда буғнинг конденсацияланиши давомида ортиб бораётган t_2 ҳарорат ўлчанади. Тажриба охирида конденсат оғирлиги ўлчанади.

V. ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

Буғнинг конденсатга айланишида калориметрдан ажralган иссиқликни аниқлаш ва конденсат оғирлигини билган ҳолда буғланиш иссиқлигини қуйидаги тенгламадан ҳисоблаш мумкин.

$$Q = c (t_2 - t_1) = M_r + M c_{p_c} (t_k - t_2) \quad (3.4)$$

бу ерда: Q – буғнинг конденсатга айланишда калориметрга берилган иссиқлик микдори, кЖ.

c – калориметрнинг тўлиқ иссиқлик сифими,

$$c = \sum_{i=1}^n M_i c_{pi} = 25,98 \text{ кЖ/град}$$

M_i ва c_{pi} – мос равища калориметрик системадаги ҳамма жисмнинг оғирлиги, кг ва солишиштира иссиқлик сифими, кЖ/кг⁰С (б ә сув, калориметр, илонсизон күвур, аралаштиргич термометр)

t_1 ва t_2 – калориметрининг бошланғич ва охирги ҳарорати, ⁰С;
 M – конденсат оғирлиги, кг;

c_{pc} – конденсатнинг иссиқлик сифими, у 4,187 кЖ/кг⁰С тенг деб олинади.

t_k – атмосфера босимида қайнаш ҳарорати, ⁰С.

(3.4) ифодадан

$$r = \frac{Q}{M} - c_{pc} (t_k - t_2) = \frac{c}{M} (t_2 - t_1) - c_{pc} (t_k - t_2) \quad \frac{\text{кЖ}}{\text{кг}}. \quad (3.5)$$

Атмосфера босими Тошкент шаҳрида 720-730 мм сим.уст.да ўзгариб туради.

$t_k=99^0\text{C}$ ва $r_{жад}=2258 \frac{\text{кЖ}}{\text{кг}}$ қийматлар орқали тажрибада қилинган хатолик аниқланади:

$$\delta r = \frac{r_{жад} - r}{r_{жад}} \cdot 100\%. \quad (3.6)$$

Асаболар кўрсатиши ва тажриба натижалари жадвали

№	P _{бар}	t_k , ⁰ С	t_1 , ⁰ С	t_2 , ⁰ С	M, кг	r, кЖ/кг	δ_r , %
1							
2							
3							

Иш юзасидан ёзилган ҳисоботда ишнинг қисқа баёни, тажриба чизмаси, тажриба натижалари ёзилган жадвал, ҳисоблар бўлиши керак.

СТАНДАРТ ДИАФРАГМА ОРҚАЛИ ҲАВО САРФНИИ АНИҚЛАШ

Ишнинг мақсади: Қувур бўйлаб харакатланадиган моддаларнинг сарфини аниқлашнинг бир тури билан танишиш ва шу бўйича тасаввурга эга бўлиш ҳамда тажриба ўтказиш ва ҳисоблашдан иборат.

I. НАЗАРИЙ ҚИСМ

Суюқлик, газ ва буғларнинг сарфини аниқлашнинг ва кенг тарқалган ва ўрганилган усулларидан бири бўлиб, дросセル курилмаларда босим ўзгариши бўйича сарфни аниқлаш усули ҳисобланади. Суюқлик, газ ва буғларнинг сарфини аниқлаш босимнинг ўзгаришига асосланган дросセル - стандарт диафрагмалар, Вентури қувурлари, сопло қурилмалари ёрдамида олиб борилади.

Улар қувурларда ўрнатилиб, у ерда маҳаллий торайиш ҳосил қиласи, бунинг оқибатида модданинг тезлиги торайган кесимдан ўтишда дросセル қурилмасидан олдинги тезликка нисбатан ошади.

Торайган кесимда тезликнинг ва кинетик энергиянинг ошиши шу кесимда оқимнинг потенциал энергияси камайишига олиб келади. Торайган кесимда статик босим дросель қурилмасигача бўлган босимдан кам бўлади.

Дросель қурилмалардан модданинг оқиб ўтишида оқим тезлиги ва сарфига боғлиқ бўлган босимлар фарқи ҳосил бўлади.

Дросель қурилмасидаги босимлар фарқи дифференциал манометр ёрдамида ўлчанади ва модданинг сарфланиши қиймати босимлар фарқи орқали ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Энг содда тузилишга эга бўлган дросель қурилмаларидан бири стандарт диафрагмадир. Бу диафрагмани қувур ичига осон ўрнатиш мумкин. Стандарт диафрагма доиравий тешикли юпқа дискдан иборат ва унинг маркази қувур кесимининг маркази

билин мос келади. Диафрагма тешиги оқим кириши томонида цилиндрик, чикишида конуссимон кенгаювчи шаклда ясалган.

Диафрагмадан олдинги ва кейинги статик босимларни олиш учун ҳалқавий камералар ўрнатилган.

Кувурлардаги ҳалқавий камерали диафрагманинг чизмаси 4.1- расмда кўрсатилган.

Окиб ўтган модданинг сарфи куйидаги ифодадан аниқланади:

$$G = 0,004 \alpha \varepsilon K_t d^2 \sqrt{\Delta p \cdot \rho}, \text{кг / соат} \quad (4.1)$$

бу ифодада α – сарфий коэффициент, тажриба йўли билан аниқланади; (1-илова);

ε – муҳитнинг иссиқликдан кенгайишини характер-лайдиган тузатма коэффициенти (4.1-илова);

K_t – диафрагма ва кувур кўндаланг кесимининг иссиқликдан кенгайишини характерлайдиган тузатма коэффициенти (агар ўлчанаётгандан модданинг ҳарорати 100°C дан ошмаса $K=1$ бўлади)

d – диафрагма тешигининг диаметри, мм;

Δp – окиб ўтувчи жисмнинг диафрагмагача ва ундан кейинги босимлар фарқи, Н/м^2

ρ – дросель қурилмасидан окиб ўтувчи модданинг зичлиги, кг/м^3 .

Бу ишни бажаришда нам ҳавонинг зичлигини ҳам аниқлаш зарур, у куйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$\rho = \frac{1}{T} \left(\frac{P_{\text{мут}}}{287} - 0,00131 \varphi P_m \right), \quad \text{кг/м}^3 \quad (4.2)$$

бу ерда $P_{\text{мут}}$ – нам ҳавонинг мутлақ босими, Н/м^2 ;

T – ҳавонинг мутлақ ҳарорати, К;


P_m – нам ҳавонинг ҳароратидаги тўйинган сув бугининг босими;

φ – ҳавонинг нисбий намлиги.

II. ТАЖРИБА ҚУРИЛМАСИННИГ БАЁНИ

Хаво вентилятор ёрдамида кувур (1) бўйлаб ҳаракатланади (4.1-расм). Статик босимни ўлчаш учун ҳалқавий камерали (3) диафрагма (2) шу қувурга ўрнатилган. Ҳалқавий камералардаги диафрагмадан олдин ва кейин босимлар фарқи U-симон дифференциал манометр (4) билан ўлчанади. Диафрагмадан олдинги ортиқча босим P_{opt} U-симон манометр (5) билан ўлчанади.

Ўзгармас ток двигатели ёрдамида вентилятор ҳаракатга келтирилади. Вентиляторнинг айланишлар сонини ўзгартериш натижасида ҳавонинг сарфи ўзгариши содир бўлади.



4.1-расм.

III. ТАЖРИБА ЎТКАЗИШ УСЛУБИ ВА ТАРТИБИ

Вентиляторнинг двигатели ишга туширилади. Унинг айланишлар сони тахометр билан ўлчанади. Реостат ёрдамида двигателнинг айланишлар сони ўзгартирилади ва у иш давомида З маротаба ўзгартилади.

Ҳар бир ҳолат учун $P_{\text{опт}}$, ΔP ва ундан ташқари барометрик босимни (P - мм сим.уст.), ҳавонинг ҳароратини ($t, {}^{\circ}\text{C}$) ва психрометр билан нисбий намлиқ ($\phi, \%$) ни аниқлаймиз. Охирги учта катталик ҳамма ҳолатлар учун бир хил бўлиб қолади.

Асбоблар кўрсатиши ва тажриба натижалари жадвали

$N_{\text{о}} / N_{\text{о}}$	п айл/ мин	$P_{\text{опт}}$ мм сув уст.	$P_{\text{опт}}$ $\text{Н}/\text{м}^2$	$P_{\text{бар}}$ мм сим. уст.	$P_{\text{бар}}$ $\text{Н}/\text{м}^2$	$P_{\text{мут}}$ $\text{Н}/\text{м}^2$	ΔP мм сув уст.	ΔP $\text{Н}/\text{м}^2$	T, K	G kg/ соат

V. ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

$P_{\text{бар}}$, ϕ , t катталиклари ҳамма ҳолатлар учун ўзгармас бўлади. $P_{\text{опт}}$, $P_{\text{бар}}$ қийматлари бўйича $P_{\text{мут}}$ ни қиймати $\text{Н}/\text{м}^2$ да топилади.

$$P_{\text{мут}} = P_{\text{опт}} + P_{\text{бар}}$$

Сарфий коэффициент α ни аниқлаш учун (4.1-иловадан) қуйидаги катталик керак бўлади.

$$m = \left(\frac{d}{D} \right)^2$$

Бунда $d = 57,55$ – диафрагма тешигининг диаметри, мм;

$D = 100$ – қувур диаметри, мм.

ϵ катталиги 4.2-иловадан аниқланади. 4.3-иловадан P_n нинг қиймати ҳавонинг ҳарорати бўйича аниқланади ва 4.2-иловадан ҳаво зичлиги ρ ни ҳисоблаймиз.

Кейин ифодадан ҳавонинг сарфини ҳисоблаб топамиз. G нинг учта ҳолат учун қийматини ҳисоблаб бўлгач, вентилятор сарфи G ва вентилятор айланишлар сони n га боғлиқлик графигини қурамиз.

4.1-илова

Стандарт диафрагма учун сарфий коэффициент - α

$m = \left(\frac{d}{D}\right)^2$	D=50 мм	D=100 мм	D=200 мм	D=300 мм
0,05	0,613	0,609	0,604	0,601
0,10	0,616	0,612	0,607	0,604
0,20	0,629	0,624	0,618	0,615
0,30	0,649	0,643	0,637	0,634
0,40	0,676	0,669	0,663	0,660
0,50	0,713	0,706	0,699	0,695
0,60	0,761	0,752	0,744	0,740
0,65	0,791	0,782	0,773	0,768
0,7	0,827	0,817	0,808	0,802

4.2-илова

Ўлчанаётган муҳитнинг иссиқлиқдан кенгайиш коэффициенти

$m = \left(\frac{d}{D}\right)^2$	0,05	0,4	0,7
ΔP			
P _{мут}			
0,02	0,994	0,993	0,990
0,06	0,981	0,978	0,972
0,10	0,968	0,963	0,955

4.3-илова

Сув буғи тўйиниш босимининг ҳароратга боғлиқлиги

t, °C	P _м , Н/м ²
10	1228
15	1704
20	2337
25	3166
30	4241
35	5622
40	7375

1 мм сим.уст. = 133,3 Н/м²

1 мм сув уст. = 9,8 Н/м²

Иш юзасидан ёзилган ҳисоботда ишнинг қисқа баёни, тажриба чизмаси, тажриба иатижалари ёзилган жадвал, ҳисоблар бўлиши керак.

НАМ ҲАВОНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Ишнинг мақсади:

1. Тажриба ўтказиш бўйича малака ортириш ва $h-d$ диаграммадан мисоллар ечишда фойдаланиш.
2. Тажриба натижаларининг таҳлили.
3. Хуласалар.

I. НАЗАРИЙ ҚИСМ

Жуда кўп технологик жараёнларда ишчи жисм сифатида ҳаво қўлланилади (материалларни қуритиш ва намлашда, пневмотранспортда, механизмларнинг пневматик узатмаларида ва ҳоказо). Жараёнларнинг ҳисботи учун шу ишчи жисмнинг хусусиятлари ва параметрларини билиш зарур. Атмосфера ҳавосида ҳар доим намлик бўлади. Атмосфера ҳавоси қуруқ ҳаво ва сув буғининг аралашмасидан иборат.

Ўзининг физик хусусиятлари бўйича нам ҳаво идеал газдан унча фарқ қилмайди. Бунинг сабаби шундаки, ҳаводаги намлик буғ ҳолатида бўлиб, у унча катта бўлмаган парциал босимга эга (бир неча мм сим.уст.). Ундан ташқари, нам ҳаводаги жараёнлар кўпинча атмосфера босимига яқин босимларда кечади. Шу сабабларга кўра нам ҳавога идеал газ қонунларини қўллаш мумкин.

Ҳавода сув буғи ўта қизиган ёки тўйинган бўлиши мумкин. Бу шароитда ҳавонинг берилган ҳароратида буғнинг ҳолати унинг парциал босими билан белгиланади.

Ҳавонинг намлиги ҳаводаги сув буғининг микдори билан ифодаланади.

Нам ҳаво таркибидаги сув буғининг массасини шу нам ҳаво ҳажмига нисбати унинг мутлақ намлиги ρ_b деб аталади.

Ҳавонинг нам сақлами (d) деб, нам ҳаводаги 1 кг қуруқ ҳавога нисбатан олинган сув буғининг массасига айтилади. Нисбий намлик (ϕ) деб, тўйинган ҳавонинг ҳақиқий мутлақ намлигини (ρ_b) мазкур t даги тўйинган ҳавонинг мутлақ намлигига (ρ'') нисбати айтилади.

$$\varphi = \frac{\rho_\delta}{\rho''} = \frac{P_\delta}{P_x} \quad (5.1)$$

бу ерда: P_6 – сув буғининг парциал босими;

P_x – нам ҳаводаги түйинган буғнинг парциал босими.

Ҳавонинг нисбий намлиги φ ни аниқлаш учун ҳар хил усуулар ва ўлчаш асбоблари қўлланилади. Шу усуулардан бири психрометрик усул бўлиб, у бир хил иккита симобли термометрларнинг кўрсатишлари фарқига асосланган, бу ерда битта термометрнинг термобаллони сув билан ҳўлланиб турилади. Шу асосда қурилган асбоблар – психрометрлар деб аталади. Ҳавонинг нисбий намлиги $\varphi = 0$ дан (қуруқ ҳаво) $\varphi = 1$ (ҳаво намлик билан түйинган) оралиғида ўзгариши мумкун.

Ўзгармас босимда түйинган нам ҳавонинг ($0 < \varphi < 1$) ҳароратини камайтириб, уни түйинган ҳолатига ($\varphi = 1$) келтириш мумкин. Бунинг учун түйинган нам ҳавонинг ҳарорат таркибидаги буғнинг парциал босимига тўғри келувчи қуруқ түйинган буғнинг ҳароратига тенглашиши керак. Бу ҳароратни шудринг нуктаси ҳарорати t_w деб аталади. Нам ҳавони совитиш давом эттирилса, ундан намлик шудринг ёки туман кўринишида ажрала бошлайди.

Нам ҳавонинг асосий параметрларини куйидаги тенгламалардан аниқланади:

Нам ҳавонинг газ доимийси

$$R = \frac{8314}{28,96 - 10,94 \frac{P_\delta}{P}} , \quad \left[\frac{\text{Ж}}{\text{кг.к}} \right] \quad (5.2)$$

бу ерда: $P_6 = \varphi \cdot P$, / мм сим.уст./

P_6 – нам ҳаво таркибидаги буғнинг парциал босими;

P , – аралашма босими (нам ҳавонинг босими), /мм сим.уст./.

Нам ҳавонинг зичлиги:

$$\rho = \frac{28,96 \cdot \rho - 10,94 \cdot P_\delta}{8314 \cdot T}, \quad \left[\frac{\text{кг}}{\text{м}^3} \right]. \quad (5.3)$$

бу ерда: T – нам ҳавонинг мутлақ ҳарорати, /К/.

(5.3) тенгламадан келиб чиқадики, ҳавонинг намлиги қанча кўп бўлса, яъни ҳаводаги сув буғининг парциал босими катта бўлса, ҳаво зичлиги шунча кам бўлади.

НАМ ҲАВОНИНГ ЭНТАЛЬПИЯСИ

$$h = t + d(2501 + 1,93 \cdot t), \quad \left[\frac{\text{Ж}}{\text{кг}} \right] \quad (5.4)$$

ёки

$$h = 0,24 t + d(597 + 0,46 t), \quad \left[\frac{\text{ккал}}{\text{кг}} \right] \quad (5.5)$$

(5.4) ва (5.5) тенгламалардан нам ҳавонинг энталъпияси босимга боғлиқ эмаслиги келиб чиқади ва бу табий, чунки аралашма компонентларини биз идеал газлар деб ҳисоблаймиз.

Тенглама (5.4) ва (5.5) даги катталик h 1 кг қуруқ ҳаво учун ёки $(1 + d)$ (кг) нам ҳаво учун келтирилган.

Нам ҳавонинг параметрларини 1918 йилда проф. Рамзин томонидан таклиф қилинган $h-d$ диаграмма ёрдамида график йўли билан аниқланади.

Бу диаграммада ордината ўқи бўйича нам ҳавонинг энталъпияси h (кЖ/кг), абсцисса ўқи бўйича эса – нам сақлами d (г/кг) келтирилган. $h-d$ диаграммасидаги ҳар ҳил чизиклар қулайроқ жойлашиши учун ордината ўқи вертикал, абсцисса ўқи унга нисбатан 135° га тенг бўлган бурчак остида ўтказилган.

Диаграммада кўрсатилган чизиклар: ўзгармас энталъпия ($h=\text{const}$) чизиклари (ордината ўқи билан 45° бурчак ҳосил қилинган тўғри чизиклар), ўзгармас нам сақлами ($d=\text{const}$) чизиклари, нам ҳавонинг ўзгармас ҳарорати ($t=\text{const}$) чизиклари; ҳавонинг нисбий намлиги ($\varphi=\text{const}$) чизиклари.

Одатда $h-d$ диаграмма ўзгармас барометрик босим учун қурилиб, унинг ёрдамида маълум t ва φ бўйича h ҳамда d ни

аниқлаш мүмкін. д бүйича сув бугининг парциал босими P_6 ни диафрагмадан т – шудринг нұқтасини аниқлаш мүмкін, бунинг учун ҳаво ҳолатини тавсифлайдыган нұқтадан $\phi = 100\%$ чизиги билан кесишадыган вертикал чизик үтказиш лозим ва шу нұқтадан үтган изотерма шудринг ҳароратини күрсатади.

Нам ҳавонинг иситиш (совитиш) жараёнларини үзгармас нам сақламида ($d=\text{const}$) содир бўлади. h-d диаграммада бу жараён вертикал тўғри чизик билан тасвиранган. Нам ҳавонинг совитиш жараёни фақат ҳавонинг бутунлай тўйинишигача, яъни $\phi=100\%$ гача бўлади. Ҳавони янада совитиш ундан намликтининг шудринг (конденсат) сифатида тушишига олиб келади.

Конденсация жараёнини $\phi=100\%$ чизиги бўйича боради, ҳавонинг нам сақлами эса d_1 дан d_2 гача камаяди деб ҳисоблаш мүмкін. Конденсация натижасида ҳосил бўлган сув микдори ҳавонинг нам сақлами фарқига $d_1 - d_2$ (г/кг) га teng бўлади.


Техникада нам ҳавонинг h-d диаграммаси кенг кўлланилади. Унинг ёрдамида бирон бир жисмни куритиш жараёнини ҳисоблаш осондир. Куритиш учун фойдаланилган ҳаво материалдаги намни буғлатади ва ўзи намланади. Куритиш жараёни учун фақат тўйинмаган ҳаво зарур ва унинг бошланғич нам сақлами қанча кам бўлса шунча яхши.

Ҳавонинг $P=\text{const}$ даги нам билан тўйиниш идеал жараёни деб шундай жараёнга айтиладики, унда ҳавонинг иссиқлиги фақат куритилаётган материаллардан намни буғлатишга сарф бўлиб, атроф муҳитга сарф бўладиган иссиқлик йўқотиш ва суюқликни қиздиришга сарф килинган иссиқлик ҳисобига олинмайди. Буғланишга сарфланган иссиқлик эса буф билан яна ҳавога қайтади, яъни жараёнда иссиқликнинг умумий баланси нолга teng бўлади

Намликтин буғлатиш жараёнида ҳавонинг намлиги ортиб боради, лекин қуруқ ҳавонинг микдори үзгармайди. Унда нам ҳаво таркибидаги 1 кг қуруқ ҳавога нисбатан олинадиган нам ҳавонинг энталпияси үзгармайди. Шунинг учун ҳавонинг намланиш жараёни үзгармас энталпияда содир бўлади дейиш мүмкін ва бу жараён h-d диаграммада ордината үқига 45^0 бурчакда бўлган тўғри чизик сифатида тасвиранади.

II. ТАЖРИБА ҚУРИЛМАСИННИГ БАЁНИ

5.1-расмда тажриба қурилмасининг принципиал чизмаси кўрсатилган.



5.1-расм.

Курилмада ҳавонинг қизиш ва намланиш жараёнларини тадқик қилиш мумкин. Қурилма аэродинамик қувур I, вентилятор 2 ва электр двигатель 3 дан иборат. Аэродинамик қувур ичидаги калорифер (электр иситгич) 4, намлаш камераси 7, психрометр 5 ва термометр 6 жойлашган. Электр иситгич 4 автотрансформатор 10 орқали 220 вольтли ўзгарувчан ток манбаига уланган. Занжирдаги ток кучи амперметр 9, кучланиш - вольтметр 8 ёрдамида ўлчанади.

Намлаш камераси 7 қалин симдан ясалган рамкадан иборат бўлиб, намлик алмашув юзасини ошириш учун маҳсус мато билан ўралган.

Намлаш камерасини аэродинамик қувурдан чиқариб олиш мумкин. Ундан қувурдаги тешикни маҳсус қопқоқ билан беркитилиб, болтлар билан маҳкамланади.

Психрометр 5 ҳавонинг аэродинамик қувурга киришдаги ҳарорат t_1 ни ва нисбий намлиқ φ , ни аниқлаш учун керак (бу ерда қайси бир жараён - ҳавонинг қизитилиши ёки намланишига қараб калорифер 4 ёки намлаш камераси 7 олдида ўлчовлар ўтказилади).

Термометр 6 ҳавонинг ҳарорати t_2 ни ўлчаш учун, яъни калорифер 4 дан кейин (ҳавонинг қиздириш жараёнида) ёки намлаш камераси 7 дан кейин (намланиш жараёнида) ишлатилади.

III. ҲАВОНИ ҚИЗДИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ТАЖРИБА ЎТКАЗИШ УСЛУБИ ВА ТАРТИБИ

1. Аэродинамик қувур 1 дан намланиш камера 7 ни олиб, тешикни қопқоқ билан ёпиш керак.
2. Вентилятор 2 ни электр мотори 3 ни ишлатиб, хона ҳавосини аэродинамик қувур 1га сўриш жараёни бошлайди. Ҳаво қувур бўйича окади, ундан кейин атроф-муҳитга чиқиб кетади. Берилган (ўзгармас) тезликда ҳаракатланаётган ҳаво кетма-кет психрометр 5, калорифер 4 ва термометр 6 лардан ўтади.
3. Калорифер 4 (электр иситгич) ўзгарувчан электр манбаига уланиб, калорифердан ўтётган ток кучи (амперметр 9 бўйича) ҳамда кучланиш (вольтметр 8 бўйича) ростланади. Бутун тажриба жараёнида амперметр 8 ва вольтметр 9 кўрсатишлари ўзгармаслиги керак.
4. 15 минут ўтгандан кейин барқарор ҳолат бўлади Шудақиқадан бошлаб, психрометр 5 ва термометр 6 ларнинг кўрсатмалари ўзгармайди. Психрометр 5, термометр 6 ва вольтметр 8 ларнинг кўрсаткичлари биринчи бор ёзиб олинади. 10 минутдан кейин ҳамма асбобларнинг кўрсатмаларини ўлчаб, 1-жадвалга ёзилади.
5. Электр иситгич ўчирилади ва қурилмалардан 5-10 минут мобайнида ҳаво ҳайдалади.
6. Иккинчи ўлчов натижаларидан фойдаланиб, ҳароратлар психрометрик фарқини $\Delta t = t_k - t_{x,y} [{}^{\circ}\text{C}]$ топиш ва психрометрик жадвал бўйича ҳавонинг калорифер олдидағи нисбий намлиғи φ ни аниқлаш керак

7. φ_1 ва $t_1=t_k$ [$^{\circ}\text{C}$] бўлган ҳолда, $h-d$ диаграммада 1-нукта белгиланади. Бу нукта нам ҳавонинг калориферга киришдан олдинги ҳолатини кўрсатади ва ҳавонинг параметрлари $h_1, d_1, \varphi_1, P_{61}$ ни аниқлайди. $h-d$ диаграммада 1-нуктадан $t_2=\text{const}$ чизигигача вертикаль түғри чизик 1-2 ўтказамиз (5.2-расм), кесишув нуктаси – 2-нукта бўлади. 2-нукта калорифердан чиқаётган нам ҳавонинг ҳолатини кўрсатади ва ҳавонинг параметрлари $h_2, d_2, \varphi_2, P_{62}$ ни аниқлайди. Кўриниб турибдики, $d_1=d_2=\text{const}$.

8. $h-d$ диаграммада 1-нуктадан бу нукта нам ҳавонинг ҳавонинг калориферга киришдан олдинги ҳолатини кўрсатади ва ҳавонинг h, d, p параметрларини аниқлайди.

5.1-жадвал

Ҳисоб	Психрометр(5)		$t_2, ^{\circ}\text{C}$	Термометр(6)		Калорифер (4)	
	$t_k, ^{\circ}\text{C}$	$t_{x,y,z}, ^{\circ}\text{C}$		I, A	U, B		
Биринчи							
Иккинчи							

ҲАВОНИНГ НАМЛАНИШ ЖАРАЁНИНИ ТАЖРИБА ЎТКАЗИШ УСЛУБИ ВА ТАРТИБИ

- Намлаш камераси 7 ни сув билан яхшилаб ҳўллаб, кейин аэродинамик қувур 1 га ўрнатилади.
- Вентилятор 2 нинг электр мотори 3 ишга туширилади.
- 15 минутдан кейин барқарор ҳолат ҳосил бўлади. Шудақиқадан бошлаб, психрометр 5 ва термометр 6 кўрсатмалари ўзгармайди. Психрометр ва термометр кўрсатмаларини биринчи бор ёзиб қўйиш керак. 10 минутдан кейин яна бир бор ҳамма асбобларнинг кўрсатмалари 2-жадвалга ёзилади.
- Электр мотори 3 ни электр манбаидан ўчириб, аэродинамик қувурдан намлаш камераси 7 ни олиш керак.
- Иккинчи ўлчов натижаларидан фойдаланиб, ҳароратлар психрометрик фарқини $\Delta t = t_k - t_h$ [$^{\circ}\text{C}$] топиш ва психрометрик

жадвал бўйича намлаш камераси 7 олдидағи ҳавонинг нисбий намлиги $\varphi_1 [\%]$ ни аниқлаш керак.

6. φ_1 ва $t=t_k [{}^{\circ}\text{C}]$ бўйича $h-d$ диаграммада 1-нуктани (5.3-расм) белгилаш керак, бу нукта нам ҳавонинг намлаш камераси 7 олдидағи ҳолатини кўрсатади ва ҳаво параметрлари h, d, P_{62} аниқланади.
7. $h-d$ диаграммада 1-нуктадан ордината ўқига нисбатан 45^0 бурчакда изотерма $t_2=\text{const}$ чизигига тўғри чизик 1-2 ўтказамиз (3-расм), кесишув нуқгаси - 2 намланган ҳаво ҳолатини кўрсатади ва ҳавонинг параметри h_2, d_2, q_2, P_{62} ларни аниқлайди. Кўриниб турибдикি $h_2=h_1=\text{const}$.

IV. ҲИСОБЛАШ

1. Ҳўл термометр (t_x) ва ҳароратлар психрометрик фарқи $\Delta t=t_k-t_x$ бўйича жадвалдан ҳавонинг нисбий намлиги φ_1 ни калориферга киришда (ҳавони қизитиш жараёнида) ҳамда намлаш камерасига киришда (ҳавони намлаш жараёнида) аниқлаш керак.

2. $h-d$ диаграмма бўйича нам ҳавонинг калорифердан олдинги ва кейинги (ҳавони қизитиш жараёни, 5.2-расм) ҳамда намлаш камерасидан олдинги ва кейинги (ҳавони намлаш жараёни, 5.3-расм) параметрларни аниқлаш керак.


3. Ифодалар (2) ва (3) бўйича нам ҳавонинг газ доимийси R ва зичлиги ρ ни I-нукта (қиздириш жараёни) ҳамда 2-нукта (намлаш жараёни) ҳисоблаб чиқиш керак.

5. Қиздириш ва намлаш жараёнларида нам ҳаво ҳолатининг ўзгаришини таҳлил қилиб чиқинг ва холосалар чиқаринг.

5.2- жадвал

Ҳисоб	Психрометр(5)		$t_2, {}^{\circ}\text{C}$	Термометр (6)	Калорифер (4)	
	$t_k, {}^{\circ}\text{C}$	$t_{x_{\text{нам}}}, {}^{\circ}\text{C}$			I, A	U, B
Биринчи						
Иккинчи						


$h, \text{ кДж/кг}$



5.2-расм

$$P_{n1} = P_{n2}, d_1 = \frac{2}{k_1}$$

$h, \text{ кДж/кг}$



5.3-расм

$$P_{n1} \neq P_{n2}, d_1 \neq \frac{2}{k_1}$$

ҲАВОНИНГ ҚИЗИШ ЖАРАЁНИ

5.3-жадвал

Нүкта лар №	φ, %	t, °C	d, г/кг	P ₆ , мм сім.уст.	R, Ж/кг·К	p, кг/м ³	h, кЖ/кг
1							
2							

ҲАВОНИНГ НАМЛАНИШ ЖАРАЁНИ

5.4-жадвал

Нүкта лар №	φ, %	t, °C	d, г/кг	P ₆ , мм сім.уст.	R, Ж/кг·К	p, кг/м ³	h, кЖ/кг
1							
2							

Иш юзасидан ёзилған ҳисоботда ишнинг қисқа баёни, тажриба чизмаси, тажриба натижалари ёзилған жадвал, ҳисоблар бўлиши керак.

7. φ_1 ва $t_1=t_k$ [$^{\circ}\text{C}$] бўлган ҳолда, h-d диаграммада 1-нуқта белгиланади. Бу нуқта нам ҳавонинг калориферга киришдан олдинги ҳолатини кўрсатади ва ҳавонинг параметрлари h_1 , d_1 , φ_1, P_{61} ни аниқлайди. h-d диаграммада 1-нуқтадан $t_2=\text{const}$ чизигигача вертикал тўғри чизик 1-2 ўтказамиз (5.2-расм), кесишув нуқтаси – 2-нуқта бўлади. 2-нуқта калорифердан чиқаётган нам ҳавонинг ҳолатини кўрсатади ва ҳавонинг параметрлари h_2 , d_2 , φ_2, P_{62} ни аниқлайди. Кўриниб турибдики, $d_1=d_2=\text{const}$.


8. h-d диаграммада 1-нуқтадан бу нуқта нам ҳавонинг ҳавонинг калориферга киришдан олдинги ҳолатини кўрсатади ва ҳавонинг h , d , p параметрларини аниқлайди.

5.1-жадвал

Хисоб	Психрометр(5)		Термометр(6)	Калорифер (4)	
	t_k , $^{\circ}\text{C}$	$t_{x\text{ ўл2}}$, $^{\circ}\text{C}$	t_2 , $^{\circ}\text{C}$	I, A	U, B
Биринчи					
Иккинчи					

ҲАВОНИНГ НАМЛАНИШ ЖАРАЁНИНИ ТАЖРИБА ЎТКАЗИШ УСЛУБИ ВА ТАРТИБИ

- Намлаш камераси 7 ни сув билан яхшилаб ҳўллаб, кейин аэродинамик қувур 1 га ўрнатилади.
- Вентилятор 2 нинг электр мотори 3 ишга туширилади.
- 15 минутдан кейин барқарор ҳолат ҳосил бўлади. Шудақиқадан бошлаб, психрометр 5 ва термометр 6 кўрсатмалари ўзгармайди. Психрометр ва термометр кўрсатмаларини биринчи бор ёзиб қўйиш керак. 10 минутдан кейин яна бир бор ҳамма асбобларнинг кўрсатмалари 2-жадвалга ёзилади.
- Электр мотори 3 ни электр манбаидан ўчириб, аэродинамик қувурдан намлаш камераси 7 ни олиш керак.
- Иккинчи ўлчов натижаларидан фойдаланиб, ҳароратлар психрометрик фарқини $\Delta t = t_k - t_u$ [$^{\circ}\text{C}$] топиш ва психрометрик



6.1-расм

Соплодан 1 сек вақт ичида ўтаётган бүг сарфи “ m ” ни күйидаги ифода орқали ҳисоблаш мумкин:

$$m = \frac{f_2 W_2}{g_2} \quad \text{кг/сек} \quad (6.2)$$

бу ерда: f_2 – соплонинг чиқишидаги кесим юзаси, м^2 ;

g_2 – чиқиш кесимининг солиштирма ҳажми, $\text{м}^3/\text{кг}$.

h_2 , g_2 катталикларни топиш учун бүгни соплодан чиқиши кесимидағи мутлақ босим P_2 ни билиш керак. У оқиб чиқаётган мұхиттің мутлақ босими P_M га тенг ва юқори бўлиши мумкин. Агар ишлаётган тораювчан соплода P_M P_1 дан бирмунча кичик

бўлса, унда $P_2=P_{yp}$ бўлади. P_{yp} камайиши (яъни $\beta=\frac{P_{yp}}{P_1}$)

катталигини камайиши) W_2 ва m нинг ортишига олиб келади. P_M қийматини аниқлашда ($P_2=P_M$ тенгликни тўғри деб ҳисоблаб) оқим тезлиги товуш тезлиги а га етади, яъни соплодан чиқиши кесимида P_2 ва T_2 катталикларга эга бўлган товуш тезлигига тенглашади.

Бу ҳолда оқиш тезлиги критик тезлик деб аталади $W_2=W_{kp}=a$. Чиқиши кесимидағи шу тезликка тўғри келувчи катталиклар критик босим ва критик ҳарорат дейилади. $P_2=P_{kp}$, $T_2=T_{kp}$. Бундай ҳолда тораювчан соплодан оқиб чиқаётган бүгнинг сарфи – m ҳам максимал қийматга эга бўлади, $m=m_{max}$.

Соплодан ташқаридаги босим P_M нинг камайиши чиқиш кесимидағи босимни ўзгартирмайды. $P_2 = P_{kp} > P_M$. Соплодан кейин буғ босими кичик бўлган муҳитга чиққанда тез кенгаяди ва оқимнинг кинетик энергияси заррачаларнинг тартибсиз ҳаракатига айланади. Бунда P_2 нинг ўзгармаслиги буғ сарфининг куйидаги $m=m_{max}$ тенглигига боғлиқлигини кузатиш мумкин, $\frac{P_{kp}}{P_1} = \beta_{kp}$ нисбат босимнинг *критик нисбати бўлиб*, мазкур газнинг адиабата кўрсаткичи к га боғлиқдир. Масалан, З атомли газлар учун $K = 1,29$ ва $\beta_{kp} = 0,546$, бунда $P_{kp} = \beta_{kp} \cdot P_1 = 0,546 \cdot P_1$. Шундай қилиб ўзгармас мутлақ босим P_1 да тораювчи соплода учта иш ҳолати бўлиши мумкин:

1. $\beta > \beta_{kp}$, $w_2 < w_{kp}$, $m < m_{max}$, $P_2 = P_{\bar{y}p} < P_{kp}$
2. $\beta = \beta_{kp}$, $w_2 = w_{kp}$, $m = m_{max}$, $P_2 = P_{\bar{y}p} = P_{kp}$
3. $\beta < \beta_{kp}$, $w_2 = w_{kp}$, $m = m_{max}$, $P_2 = P^{kp} < P_{kp}$

Адиабатик оқиб чиқишнинг жараёни ишқаланиш билан бўлиб, 6.1-расмдаги 1-2 ҳақиқий жараённи ўзгармас қилиб қўяди.

Шунинг учун оқиб чиқиш тезлиги ҳар доим назарийсидан кичик:

$$W_2 = 44,72 \sqrt{h_1 - h_{2x}}, \text{ м/с} \quad (6.3)$$

Бу ерда ишлатилган (ҳақиқий) иссиқлик йўқолиши (Δh) кўрилади.

Оқиб чиқиш тезлигининг назарийсига нисбати соплонинг тезлик коэффициенти дейилади:

$$\varphi = \frac{W_{2x}}{W_2} \quad (6.4)$$

Соплонинг ФИК

$$\eta_t = \frac{(\Delta h)}{(\Delta h)_o} = \varphi^2 \quad (6.5)$$


Буғнинг ҳақиқий сарфининг назарий сарфига нисбати сарфланиш коэффициенти дейилади:

$$\mu = \frac{m_r}{m} \quad (6.6)$$

φ , η_t ва μ катталиклари соплонинг тузилишига ва сиртининг тозалик даражасига боғлиқ.

III. ТАЖРИБА ҚУРИЛМАСИНГ БАЁНИ.

Тажриба курилмаси 6.2-расмда тасвирланган бўлиб, қозондан келадиган сув буғида ишлайди, қозондан ортиқча босими $2 \pm 6 \text{ кг}\cdot\text{см}^2$ бўлган нам буғ ҳолда тушади. Буғ ўтказувчи қувур 2 да ўрнатилган электр иситгич (буғ иситгич) 1 ёрдамида, бугни қуритиш ва берилган ҳароратгача ўта қиздириш мумкин (электр иситгич қуввати ЛАТР 14 ёрдамида ўзгартирилади, ток кучи ва кучланиш амперметр ва вольтметр билан текшириб турилади.



6.2-расм.

Буғ биринчи ўлчаш камераси 4га келиб тушади, у ерда соплога киришдан олдинги буғнинг параметрлари - ортиқча босим P_{opt} ва ҳарорати t_1 , ўлчанади. Босим манометр 5 билан, ҳарорат эса хромель-копель терможуфт 6 билан ўлчанади.

Термојуфт милливольтметр 7 га уланган термојуфтнинг иссиқ учи ўлчаш камерасида, совук учи асбобнинг ичида жойлашган ва ҳароратга тузатма киритиш кераклигини кўрсатади (яъни атроф-муҳитнинг ҳароратини). Шунинг учун милливольтметр яқинида симобли термометр 15 ўрнатилган, унинг кўрсатишини милливольтметр кўрсатишига қўшиш керак бўлади. Келаётган буғнинг босими юқори вентил З билан созлаш мумкин. Оқиб чиқиши жараёни чиқиш кесими $f_2=8,04 \cdot 10^{-6} \text{ м}^2$ га эга бўлган тораювчан сопло 8 орқали соплодан кейинги камера 9 гача содир бўлади, буғнинг босими иккинчи манометр 10 билан ўлчанади. Соплодан ўтган буғнинг тезлиги катта бўлгани учун оқиб чиқиши жараёни адиабатик жараёнга яқин. Сопло кейинги камерадан буғ қувур орқали совитгич 12 га келади, у ерда совук водопровод суви ёрдамида конденсатга айланади. Конденсат қувурдан оқиб, конденсат йиғувчи идиш 13 га тушади. Камерада оқиб чиқиши содир бўлганда пастки жўмрак 11 ёрдамида буғнинг ўтиш кесимини ўзгартириб, ҳар хил босим P_{opt} ни ўрнатиш мумкин.

Курилманинг ҳамма элементлари атроф-муҳитга иссиқликнинг йўқолишини камайтириш учун иссиқлик изоляцияланган, бу эса оқиб чиқишининг адиабатик жараёнининг амалга ошишига олиб келади.

III. ТАЖРИБАНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА УСУЛИ

Курилмага буғ қозонидан буғ берилгандан кейин (биринчи камерага ўрнатилган манометр бирор ортиқча босим кўрсатганда) совитувчи совук сув юбориладиган жўмрак очилади. ЛАТР ёрдамида электр қизитгичга кучланиш берамиз, бунда амперметр кўрсатгичи 3 А га teng бўлиши керак.

Тажрибани барқарор шароит ўрнатилгандан кейин бошлиш керак, бу дегани т ҳарорат, ундан ташқари манометрдаги P_{opt1} ва P_{opt2} босимлар ҳам вақт ўтиши билан ўзгармасдан туриши керак.

Тажрибада совитгичдан оқиб чиқаётган суюқлик (сув) миқдори, буғнинг соплога киришдаги қийматлари ва соплодан кейинги босими ўлчанади. Ўлчашлар босимлар нисбати турли шароитларда олинади, катта қиймати 1 да, кичик қиймати 0 гача ўлчанади.

Биринчи ўлчашни биринчи камерада бүф ҳарорати $140\text{--}160^{\circ}\text{C}$ ларга етганды бошлаш мүмкін. P_{OPT} ва $P_{\text{OPT},\text{M}}$ босимлар ўзгармаслиги керак. Советтігічдан оқиб чиқаёттан суюқлик учун ўлчагич идиш құйилады ва оқиб чиқиши вақты белгиланады ва шу вақтдан бошлаб ҳарорат t ва сопладан олдинги P_{OPT} ва кейинги $P_{\text{OPT},\text{M}}$ босимлар ўлчанады. Бу ўлчашлар ҳар бир минутда амалға оширилады ва ёзіб борилады. Суюқлик йиғиши тұхтатилиб (ўлчовли идишни олиб), вақт τ ва йиғилған суюқлик миқдори M ўлчанады ва жадвалға ёзилады.

Тажриба шароитини ўзгартириб, тажрибани давом эттирамиз, бунда сопладан кейинги $P_{\text{OPT},\text{M}}$ босимини олдингига нисбатан 0,5 ат га камайтирамиз, яғни пастки жұмракни соат милига тескари бураб босимни пасайтирамиз. P_1 босим ўзгармасдан доимий бўлиб туриши керак, ҳамда ЛАТР ёрдамида электр қизитгич ростлаб турилади (t ҳарорат ўзгармаслиги учун).

Барқарор шароит ўрнатылғандан кейин, иккінчи тажриба натижалари олинади: P_{OPT} ва $P_{\text{OPT},\text{M}}$, t_1 , m_2 , τ_2 .

Учинчі тажриба яна сопло ташқарисидаги босимни 0,5 ат камайтириш билан олдинги тажриба қаби амалға оширилади.

6.1-жадвал

№	t_1 C	$P_{\text{op},1}$ кг·к/см ²	$P_{\text{op},\text{yp}}$ кг·к/см ²	τ M	M кг	P_6 бар	P_{yp} бар	$t_{1,\text{yp}}$ $^{\circ}\text{C}$	$\beta = \frac{P_{\text{yp}}}{P_1}$	$m_A = \frac{M}{\tau \cdot 60}$, кг/сек
1										
2										
3										

IV. НАТИЖАЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

Босимлар нисбати $\beta = \frac{P_{\text{M}}}{P_1}$ ни аниклашда ва бошқа натижаларни ҳисоблашда мутлақ босимни билиш керак бўлади.

Бу босим қуйидаги ифода билан аникланади:

$$P = \frac{P_{\text{бар}}}{750} + \frac{P_{\text{орт}}}{1,02} \quad \text{бар} \quad (6.7)$$

бу ерда $P_{\text{бар}}$ – барометрик босим (мм сим.уст.)

$P_{\text{орт}}$ – манометрларда ўлчанувчи бүгнинг босими, $\text{кг}\cdot\text{м}^{-2}$.

(6.7) ифодадаги $P_{\text{орт}}$ га тажрибалар бўйича ўртача қиймати олинади. Олинган натижалар бўйича $m=f(\beta)$ график чизилади.

(6.2) ифода орқали сув бугининг назарий сарфи m ни $\beta > \beta_{kp}$ ва $\beta < \beta_{kp}$ бўлган ҳолда аникланади ва тажрибада олинган натижалар билан солиштириб, (6.6) ифода орқали m сарфий коэффициенти топилади. Ҳисоблашда $h-S$ диаграммадан фойдаланилади.

Олинган бирор тажриба учун W_{2x} ҳақиқий оқиб чиқиш тезлигини аниклаш мумкин.

$$W_{2x} = \frac{m_x \cdot V_{2x}}{f_2}, \quad \text{м/с}. \quad (6.8)$$

Оқиб чиқиш тезлиги (6.3) ва (6.8) ифодалари орқали ҳисобланганда бир хил, яъни бир-бирига тенг чиқиши керак.

h_2 ва h_{2x} қийматлари $h-s$ диаграммадан фойдаланиб топилади (6.1-расм).

P_2 ўзгармас босим чизигидаги $2g$ нуқта номаълум, бу нуқтани шундай олиш керакки, бунда W_{2x} оқиб чиқиш тезликлари (6.3) ва (6.8) ифодалар билан бир хил чиқиши керак. Шунинг учун $2x$ нуқтани бир неча марта танлаб ҳисоблаш керак.

Оқиб чиқишнинг ҳақиқий тезлиги топилгандан кейин соплонинг тезлик коэффициенти (6.4) ифодадан 2 шароит $\beta > \beta_{kp}$ ва $\beta < \beta_{kp}$ учун топилади. $\beta < \beta_{kp}$ шароит учун W_{2x} ҳисоблашда $P_2 = P_{kp} = \beta_{kp} - P_1$, деб олинади, бунда $h-S$ диаграммадан фойдаланиш куладир.

Иш юзасидан ёзилган ҳисботда ишнинг қисқа баёни, тажриба чизмаси, тажриба натижалари ёзилган жадвал, ҳисоблар бўлиши керак.

АДИАБАТИК ДРОССЕЛЛАНИШ ЁРДАМИДА СУВ БУГИНИНГ ЭНТАЛЬПИЯСИНИ АНИҚЛАШ

Ишнинг мақсади:

Адиабатик дросселланишга асосланган сув бугининг энталъпиясини аниқлаш усулини ўрганиш. Адиабатик дросселланиш жараёнининг хусусиятлари ва сув бугининг хоссалари ҳақидаги назарий билимларни мустаҳкамлаш (жадваллар, $h-s$ диаграмма).

I. НАЗАРИЙ ҚИСМ

Сув бугининг энталъпияси қийматини тўғри аниқлашда, бугининг дросселланиш жараёнларини тадқик қилишга асосланган усул қўлланилади. Ушбу ишда босими 6 атм ва ҳарорати 220°C гача бўлган сув бугининг энталъпияси аниқланади.

Агар қувурда (ёки каналда) ҳаракатланаётган суюқлик ёки газ оқимининг йўлида оқим кўндаланг кесимини кичрайтириб, яна бошланғич ҳолатига катталаштирадиган тўсиққа учраса, оқаётган газнинг (суюқликнинг) тўсиқ ортидаги босими тўсиққача бўлган босимидан ҳамиша кичик бўлади.

Газнинг катта босимдан кичик босимга ўтишида, ташқарига иш бажармасдан номувозанатли кенгайиш жараёни дросселланиш (фижимланиш, эзилиш) деб аталади.


Атроф-мухит билан иссиклик алмашинувисиз содир бўладиган дросселланиш адиабатик дросSELланиш деб аталади. Адиабатик дросSELланишда 1 ва 2 кесимларда (дросSEL курилмасигача ва ундан кейинги кесимлар) газ оқимининг тезликларини қийматлари яқин бўлгани учун, оқим учун термодинамиканинг I қонунидан қуйидаги тенглик келиб чиқади:

$$h_1 = h_2 \quad (7.1)$$

Яъни, шу жисмнинг дросSELланишгача ва дросSELланишидан сўнг энталъпиялари бир хил бўлади. Бу холоса сув бугининг энталъпиясини ўлчаш усули асосида келтириб чиқарилган бўлиб, сув буғи атмосфера босимига яқин босимгача дросSELлантирилади, сўнгра унинг энталъпияси аниқланади.

II. ТАЖРИБА ҚУРИЛМАСИННИГ БАЁНИ

7.1-расмда тасвирланган тажриба қурилмаси қозондан келадиган (йўналтириладиган) сув буғида ишлайди. Бевосита қозондан келадиган нам бугнинг босими $2,5\text{-}6 \text{ кг}\cdot\text{к/см}^2$ га тенг. Электр қиздиргич ёрдамида бугни куритиш ва белгиланган ҳароратгача ўта қизитиш мумкин.




7.1-расм

1-иситтич; 2-дроsсель жўмраги; 3-биринчи ўлчаш камераси; 4-иккинчи ўлчаш камераси; 5-манометр; 6-конденсатор-калориметр; 7-терможуфтларнинг иссиқ учлари; 8-терможуфтларнинг совук учлари; 9-Дьюар идиши; 10-термометр; 11-ўлчов идиши; 12-совук сувни ўлчаш идиши; 13-алмаштирилиб улагич; 14-потенциометр.

Буғ аввал үлчаш камерасига киради ва унинг дросселланишига қадар бўлган параметрлари – босими P_1 , ҳарорати t_1 үлчанади. Бу ерда ҳарорат хромель-копелли терможуфт (термопара) ёрдамида үлчанади. Терможуфтнинг ҳарорат үлчайдиган томони үлчаш камерасида бевосита буғ оқимида жойлашган гильзага ўрнатилади. Буғнинг босими манометр ёрдамида үлчанади.

Сўнгра буғ вентил (жўмрак)ка келиб тушади ва унда атмосфера босимига яқин босимгача сув буғнинг дросселланиши содир бўлади. Дросселланиш вентилининг биринчи үлчаш камераси билан биргаликдаги конструкцияси 7.2-расмда кўрсатилган. Дросселланиш жўмрагидан кейин буғ иккинчи үлчаш камерасига ўтади ва бу ерда унинг дросселланишидан сўнгги параметрлари босими P_2 , ҳарорати t_2 үлчанади.

Иккинчи үлчаш камерасидан буғ конденсатор-калориметрга ўтиб қайтадан сувга айланади ва ҳосил қилинган конденсат хона ҳароратигача совитилади. Олинган иссиқлик ва унинг микдорини үлчаш учун оддий сув қувуридан олинадиган сувдан фойдаланилади. Совитадиган сув ҳароратининг ортиши ва сув сарфини билган ҳолда, буғнинг қайтадан сувга айланишида ва совишида берадиган иссиқликни аниқлаш мумкин.



7.2-расм

1 кг буғнинг қайтадан сувга айланишида ажralадиган иссиқликни ҳисоблаш учун чиқадиган конденсатнинг оғирлигини үлчаш керак.

Совитадиган сувнинг киришдаги t ва қурилмадан чиқадиган конденсатнинг t_k ҳароратларини ўлчаш учун симобли термометрлар ўрнатилган.

Совитиладиган сувнинг конденсат-калориметрдан чиқишдаги ҳарорати эса t' терможуфт (термопара) билан ўлчанади. Юқорида кўрсатилган хромель-копелли терможуфтларнинг совуқ учлари эриётган муз солинган идишга жойлаштириллади (0°C). Терможуфтлар навбати билан алмаштирилиб улагич (переключатель) орқали иссиқлик э.ю.к.ни ўлчайдиган потенциометрга уланади.

Курилманинг буг ўтадиган ҳамма қисмлари иссиқлик исрофини камайтириш мақсадида, бир-бирига яқин жойлаштирилган ва иссиқлик изоляция материали билан ҳимояланган. Бунинг натижасида дrossелланиш жараёнини адиабатик деб ҳисоблаш мумкин. Дrossелланиш қурилмасида ва ўлчаш камераларида буг тезлигининг юқори бўлиши ҳам адиабатик жараён ҳосил бўлишини таъминлашга имкон беради.

Бугни ўта қиздириш учун хизмат қиласидан қиздиргичдаги ток кучини амперметр ёрдамида назорат қилиш ва лаборатория автотрансформатори (ЛАТР) орқали ростлаш мумкин.

Конденсатор орқали ўтадиган совитувчи сувнинг микдорини ўлчашда шкалали идишдан фойдаланиллади. Шкала литрда даражаланган. Ҳосил бўлган конденсатнинг микдори ўлчов идиши ёрдамида аникланади.

III. ТАЖРИБАНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА УСУЛИ

Курилма қозонга улангандан сўнг (биринчи ўлчаш камерасига ўрнатилган бирор қийматни кўрсатади) жўмрак тўлиқ очилиб, сув калориметр қурилмасига келтириллади. Сўнгра дrossелланиш жўмрагининг гилдираги (маховик) $1/8$ қисмга айлантирилиб буг ўтказилади. Бунинг қурилмадан эркин ўтиши юзага келгач, иккинчи ўлчов камерасидаги босим кузатиб бориллади ва дrossелланиш жўмраги аста-секин очилади. Иккинчи ўлчов камерасидаги босим $0,2$ атм. га етгач, меъёрдаги ҳолат (нормал режим) юзага келади.

Лаборатория автотрансформаторининг бурагичи орқали қиздиргич ишга тушириллади ва $2-2,5$ А токни

даражаси X ни бирор микдорга ошириш учунгина хизмат қилади холос.

III. ТАЖРИБАНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА УСУЛИ

Тажрибалар худди ўта қизиган бугдаги каби ўтказилади. Бунда битта тажриба қиздиргич ажратилган ҳолда ўтказилади, яъни қозондан келаётган нам тўйинган буғнинг энталъпияси h_x , сўнгра қуруқлик даражаси қиздиргич ишга туширилган ҳолда ўтказилади. Бунинг учун автотрансформатор (ЛАТР) ёрдамида занжирда 1-1,5 А ток ҳосил қилинади. Натижада биринчи ўлчов камерасига кираётган НТБнинг қуруқлик даражаси X бирор микдорга оширилади.

IV. ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

НТБ энталъпиясини аниқлаш тажрибасидаги (8.4) тенгламадан топилган энталъпия, дросселланиш вентили олдидаги буғнинг энталъпияси h_x га тенг бўлади. Бу ҳолат учун қуйидаги муносабатдан X ни аниқлаймиз:

$$h_x = h' + r_x \quad (8.5)$$

бундан

$$X = \frac{h_x - h'}{r} \quad (8.6)$$

h' ва r нинг қийматлари сув ва сув буғининг хоссалари жадвалларидан P_1 ёки t_1 катталикларга асосан олинади. Ҳисобларда ҳарорат ва босимнинг тажриба учун ўртacha қийматлари ишлатилади.

Агар дросселланишдан сўнг буг ўта қизиган бутга айланса, P_2 ёки t_2 бўйича $h-S$ диаграмма ёрдамида текширилади, Хни калориметр усулисиз аниқланади. Бунинг учун $h-S$ диаграммада 2 нуқтадан горизонтал чизик P_1 изобара кесишгунга қадар давом эттирилади. (Бу усул жуда оддий бўлиб, одатда ишлаб чиқаришда кўпроқ ишлатилади). Ушбу ишда (8.6) ифода

Мутлақ босим бар бирлигига куйидаги ифода орқали аниқланади:

$$P_{\text{мут}} = \frac{P_{\text{орт.атм}}}{1,02} + \frac{P_{\text{бар, мыс. сим. уст.}}}{750}, \quad \text{бар} \quad (7.2)$$

бунда: $P_{\text{орт}}$ – манометр күрсаткичи;

$P_{\text{бар}}$ – барометр бўйича атмосфера босими.

Тажрибани ўлчов идиши совитувчи сувга тўлгунга қадар давом эттириш керак (5-7 минут).

Тажриба тўхтатилгандан сўнг ўлчов идишларида тўпланган конденсат микдори (M_K , кг) ва совитувчи сувнинг микдори (M_c , кг) ўлчанади.

Иккинчи марта тажриба бугнинг бошқа ҳарорати t_1 да ўтказилади, бунинг учун киздиргич занжиридаги ток кучи автотрансформатор (ЛАТР) ёрдамида 3 А гача оширилади. Курилмада янги иссиқлик ҳолати ўрнатилгач, тажриба яна қайта тақрорланади.

IV. ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

Конденсатор-калориметрнинг иссиқлик баланси тенгламаси:

$$M_K(h_2 - h_K) = M_B C_{P_c} (t^* - t), \quad \text{кЖ} \quad (7.3)$$

бунда: h_2 – конденсаторга кираётган бугнинг энталпияси, кЖ/кг;

h_K – конденсатордан чиқаётган конденсатнинг энталпияси, кЖ/кг; сув учун t_K ва атмосфера босимида жадвалдан аниқланади ёки тахминан $h_K=4,19$ t_K га тенг бўлади.

C_{P_c} – ўзгармас босимда сувнинг солиштирма массавий иссиқлик сифими, 4,19 кЖ/кг ${}^{\circ}\text{C}$ қабул қилинади.

(7.3) тенгламанинг чап қисмидаги иссиқлик, изобарик жараёнда бугнинг қайтадан сувга айланиши ва конденсатнинг

совишидаги ажралиб чиққан иссиқликни ифодалайды. Үнг қисмидаги ифода эса, $P=\text{const}$ жараёнида совитувчи сув оладиган иссиқликка тенг бўлади.

(7.3) тенгламадан қуидагини ёзиш мумкин:

$$h_2 = \frac{M_B C_{P_e} (t'' - t^*)}{M_K} + h_K, \quad \text{кЖ/кг} \quad (7.4)$$

Агар (7.1) тенгламани эътиборга олсак, топилган энталпиянинг қиймати дросселланиш вентили олдидағи буғнинг энталпиясига тенгдир, яъни $h_1=h_2$.

Ҳисобларда тажриба мобайнида ҳарорат ва босимларнинг ўртача қийматлари ишлатилади. Үтказилган иккита тажриба орқали ўта қизиган буғнинг энталпиялари ҳисобланади ва P_1 , t_1 ва P_2 , t_2 лар орқали $h-s$ диаграмма ёрдамида топилган энталпия қийматлари билан таққосланади.

Иш юзасидан ёзилган ҳисботда ишнинг қисқа баёни, тажриба чизмаси, тажриба натижалари ёзилган жадвал, ҳисоблар бўлиши керак.

НАМ ТҮЙИНГАН БУФНИНГ КУРУҚЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ

Ишнинг мақсади:

Нам тўйинган буғнинг куруқлик даражасини аниқлаш услугини ўрганиш.

Бу ишда қўлланиладиган усул адиабатик дросселланиш ёрдамида буғнинг энталпиясини аниқлашга асослангани учун тажриба олдинги ишнинг қурилмасида бажарилади. Шунинг учун тажриба қурилмасининг тавсифи қайта ўрганиб чиқилади.

I. НАЗАРИЙ ҚИСМ

Нам тўйинган буғнинг (НТБ) куруқлик даражаси X, ҳарорати ва босими сингари унинг ҳолатини аниқлайди. Нам тўйинган буғ деб аталадиган икки фазали «суюқлик-буғ» аралашмасининг куруқлик даражаси X, аралашма таркибидағи қурук буғ массасининг аралашма умумий массасига нисбатига тенгдир.

НТБнинг куруқлик даражасини аниқлаш иссиқлиқ электр марказлари ва қозонхоналардан ишлаб чиқаришга ва иситишга буғ юбориш билан боғлиқ масалаларни ечишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вактда X ни аниқлашда энг кўп ишлатиладиган услуг НТБнинг адиабатик дросселланишига асослангандир.

НТБ атмосфера босимиға яқин босимгача дросселлантирилгач, унинг энталпияси h_x калориметр усули билан аниқланади(ёки $h-S$ диаграмма ёрдамида). Сўнgra сувнинг тўйиниш чегарасидаги энталпиясининг h жадвал қўйматлари ва буғ ҳосил бўлиш иссиқлиги (r) ёрдамида куруқлик даражаси X ҳисобланади (ёки $h-S$ диаграмма ёрдамида аниқланади).

II. ТАЖРИБА ҚУРИЛМАСИНИНГ БАЁНИ

Тажриба қурилмаси (7.1-расм) бу ишда бевосита қозондан келадиган ва қиздиргичда қуритилган нам тўйинган буғда ишлайди. Демак, бу тажрибада қиздиргич НТБнинг куруқлик

даражаси X ни бирор микдорга ошириш учунгина хизмат қилади холос.

III. ТАЖРИБАНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА УСУЛИ

Тажрибалар худди ўта қизиган буғдаги каби ўтказилади. Бунда битта тажриба қиздиргич ажратилган ҳолда ўтказилади, яъни қозондан келаётган нам тўйинган буғнинг энталъияси h_X , сўнгра қуруқлик даражаси қиздиргич ишга туширилган ҳолда ўтказилади. Бунинг учун автотрансформатор (ЛАТР) ёрдамида занжирда 1-1,5 A ток ҳосил қилинади. Натижада биринчи ўлчов камерасига кираётган НТБнинг қуруқлик даражаси X бирор микдорга оширилади.

IV. ХИСОБЛАШ ТАРТИБИ

НТБ энталъиясини аниқлаш тажрибасидаги (8.4) тенгламадан топилган энталъия, дросселланиш вентили олдидаги буғнинг энталъияси h_X га тенг бўлади. Бу ҳолат учун қуйидаги муносабатдан X ни аниқлаймиз:

$$h_X = h' + rX \quad (8.5)$$

бундан

$$X = \frac{h_x - h'}{r} \quad (8.6)$$

h' ва r нинг қийматлари сув ва сув буғнинг хоссалари жадвалларидан P_1 ёки t_1 катталикларга асосан олинади. Хисобларда ҳарорат ва босимнинг тажриба учун ўртacha қийматлари ишлатилади.

Агар дросселланишдан сўнг буғ ўта қизиган буғга айланса, P_2 ёки t_2 бўйича h - S диаграмма ёрдамида текширилади, X ни калориметр усулисиз аниқланади. Бунинг учун h - S диаграммада 2 нуқтадан горизонтал чизик P_1 изобара кесишгунга қадар давом эттирилади. (Бу усул жуда оддий бўлиб, одатда ишлаб чиқаришда кўпроқ ишлатилади). Ушбу ишда (8.6) ифода

ва $h-S$ диаграмма орқали топилган X нинг қийматлари таққосланади. Агарда буғ дросселланишдан сўнг намлигича қолса, у ҳолда қуруқлик даражасини калориметр усули билан аникланаш зарур. Сўнгра қуруқлик даражаси X (8.6) ифода ёки $h-S$ диаграмма ёрдамида аникланади: (8.4) ифода орқали топилган h_X қийматига мос келадиган горизонтал чизик P_1 изобара билан кесишгунча давом эттирилиб, 1 нуқта топилади.

Иш юзасидан ёзилган ҳисоботда ишнинг қисқа баёни, тажриба чизмаси, тажриба натижалари ёзилган жадвал, ҳисоблар бўлиши керак.

ҲАВОНИНГ ЭРКИН ҲАРАКАТЛАНИШИДА ВЕРТИКАЛ ҚУВУРНИНГ ИССИҚЛИК БЕРИШИ

Ишнинг мақсади:

1. Ҳавонинг эркин ҳаракатланишида иссиқлик бериш назарияси бўйича билимни мустаҳкамлаш ва тажриба ўтказишга кўникма ҳосил қилиш.
2. Ишни бажариш натижасида ҳаво (суюқлик)нинг катта ҳажмда эркин ҳаракатланишида конвектив иссиқлик алмашинуви ўрганилиши, шунингдек иссиқлик бериш коэффициентининг ҳароратга боғлиқлиги аниқланishi керак.

Вазифа: Вертикал қувур атрофидаги ҳавонинг эркин ҳаракатланишида иссиқлик бериш коэффициентининг қийматини аниқлаш ва критериал ҳолатда тажриба натижаларини ишлаб чиқиши.

I. НАЗАРИЙ ҚИСМ

Қиздирилган ва совук заррачаларнинг зичликлари фарқи ҳисобига суюқликнинг ҳаракатланиши эркин ҳаракатланиш деб аталади.

Ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги қанча юқори бўлса ва шунингдек девор ва атроф-муҳит ҳароратлари фарқи қанчалик катта бўлса, узатилаётган иссиқлик микдори ҳам шунча кўп бўлади.

Демак, иссиқлик бериш биринчи навбатда девор ва атроф-муҳит ҳароратлари фарқига кўра аниқланади. Бундан ташқари, иссиқлик бериш жадаллиги муҳитнинг иссиқлик физик хусусиятларига, қаттиқ сиртнинг шаклига, юзанинг катталигига, ҳаракат ҳолатига ҳамда тезлигига ва бошқа омилларга боғлиқ.

Иссиқлик бериш жадаллиги Ньютон-Рихман қонуни бўйича аниқланади:

$$Q_k = \alpha F (t_d - t_m), \quad \text{Вт} \quad (9.1)$$

бу ерда: Q_k – қиздирилган қувурдан атроф-муҳитга берилаётган иссиқлик микдори, Вт;
 F – қувур сирти юзаси, м^2 ;

t_d – қаттиқ сирт ўртача ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$;
 t_m – мұхитнинг (суюқлик ёки ҳаво) ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$,
 α – қувурнинг узунлиги бүйича ўртача иссиқлик беріш коэффициенти, $\text{Bt}/\text{m}^2\text{K}$.

α қийматини топиш учун (9.1) дан фойдаланамиз:

$$\bar{\alpha} = \frac{Q_k}{F(t_c - t_{\infty})}, \quad \text{Bt/m}^2\text{K} \quad (9.2)$$

бунинг учун Fни билиш ва t_d , t_m , Q_k қийматларни тажриба йўли билан аниқлаш керак.

II. ТАЖРИБА ҚУРИЛМАСИ БАЁНИ

Тажриба қурилмаси (9.1-расм) вертикал жойлашган ташқи диаметри $d_t = 50$ мм ва узунлиги $\ell = 2626$ мм-ли қалин деворли мис қувур 7 дан иборат. Қувур ичида чинни қувурчага ўралган нихром лентасидан ишланган электр иситгич ўрнатилган. Электр иситгич қуввати тажриба автотрансформатори ЛАТР-1М 4 билан ростланади ва амперметр 5 ва вольтметр 6 кўрсатишига қараб ҳисобланади.

Иссиқлик беріш юзаси ҳарорати t_d ни ўлчаш учун 12 мис-константа термојуфтларининг иссиқ учлари қувур деворига қалайланган, совук учлари эриётган музли Дьюар идишига солинган. Термојуфтнинг ЭЮК потенциометр 3 билан ўлчанади. ЭЮКни жадвалдан градусга айлантирилади.

Ҳавонинг ҳарорати t_m қувурдан узокроқдаги суюқлик шишли термометр билан ўлчанади.


Кувурнинг учлари иссиқлик йўқолишини камайтириш мақсадида изоляция қилинган.

III. ТАЖРИБА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Ишнинг назарий асослари ва тажриба қурилмаси билан танишгандан сўнг асблолар кўрсаткичларини ва топиладиган катталикларни ёзиш учун жадвал тузилади.

Үқитувчи текширгандан кейин қурилма ишга тусирилади. Тажриба автотрансформатори билан тажриба вактида ўзгармайдиган иссиқлик ҳолати ўрнатилади. Бу ҳолат ҳар 5 дақықада 3-4 ўлчовларда асбоблар кўрсаткичлари ўзгармаслигини характерлайди ва тажриба қурилмаси ишга тушгандан сўнг 30-40 дақықада ёки иш ҳолатини камайтиришда вужудга келади.

Янги ҳолатга ўтиш учун автотрансформатор билан иситгичдаги кучланишни ўзгартириш керак. Иш ҳолати 4-5 маротаба ўзгартирилади. Кувур девори ҳарорати 50 дан 120°C гача ўзгаради. Ҳавонинг иссиқлик беришига таъсир этмаслик учун тажриба вактида қувур атрофида юришлар ва тез ҳаракатланишдан сақланиш керак.



9.1-расм

IV. ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИКИШ

Тажриба қувуридан атрофдаги ҳавога конвекция усулида иссиқлик берилиши қуйидаги тенгликтан аниқланади:

$$Q_k = Q - Q_h, \quad \text{Вт} \quad (9.2)$$

бу ерда: Q – қувур ичидаги электр иситгичдан ажралган мұхиттағы конвекция ва иссиқлик нурланиши берилған түлік иссиқлик мөндөри, Вт; атроф-орқали

$$Q = I \Delta U \quad (9.3)$$

I – ток кучи, А;

ΔU – кучланиш пасайиши, В;

Q_h – қувурдан нурланиш усулида иссиқлик мөндөрининг ажралиши, Вт.

$$Q_h = \epsilon_k C_k \left[\left(\frac{T_{K,C}}{100} \right)^4 - \left(\frac{T_m}{100} \right)^4 \right] F, \quad \text{Вт} \quad (9.4)$$

бу ерда: C_k – мутлақ қора жисмнинг көлтирилған нурланиш коэффициенти, Вт/м²·К⁴.

$$C_k = 5,67 \text{ Вт/м}^2 \cdot \text{К}^4.$$

$T_{K,C}$, T_m – тажриба қувури деворининг ва атроф-мұхит нинг мутлақ ҳароратлари.

ϵ_k – тизим жисмларининг көлтирилған қоралык даражаси (қувур ва унинг атрофи), газ-ҳаво иссиқлик нурланиши, $\epsilon_k = 0,75$

Тажриба қувури юзаси ҳарорати t_a 12 та нүқталардаги ҳароратларнинг үртасасига тең.

Курилманинг 4-5 иш ҳолати учун $\bar{\alpha}$ (9.2) тенгламадан аниқланиб, график курилади:

$$\alpha = f(\Delta t)$$

Ҳавонинг (суюқлик) әркін ҳаракатланишида иссиқлик алмашинуви жадалліги қуйидаги мезонли тенглама билан ёзилади:

$$Nu_{c,\ell} = C (Gr \cdot Pr)^{\frac{n}{c,\ell}} \left(\frac{Pr_c}{Pr_\partial} \right)^{0,25}, \quad (9.6)$$

Аниқланадиган ҳарорат t_c – суюқлик ҳарорати, аниқланадиган үлчов қувур баландлігі ℓ бўлади. Прандтль мезонида ҳавонинг

хароратдан кам бөглиқ бүлгани учун $\frac{Pr_c}{Pr_o} = 1$ деб олсак (9.6)

тенглама қыйидаги күринишга эга бўлади:

$$Nu_{ж,\ell} = c(Gr \cdot Pr)^{\frac{n}{ж,\ell}} \quad (9.7)$$

Логарифмик координаталарда (6.7) тенглама тўғри чизик тенгламаси ҳолида бўлади.:

$$\lg Nu = \lg C + n \lg (Gr \cdot Pr) \quad (9.8)$$

С ва п қийматларини аниқлаш учун тажрибада топилган Nu ва (Gr·Pr) ларни логарифмик координаталарга қўйиб, тўғри чизик чизиш керак. Бурчак тангенси (9.7) тенгламадаги даражада кўрсаткичи п га teng. С нинг қиймати қыйидаги тенгламадан ҳисоблаб топилади:

$$C = \frac{Nu_{ж,\ell}}{(Gr \cdot Pr)^{\frac{n}{ж,\ell}}} . \quad (9.9)$$

Тажрибада топилган С ва п қийматлари фақат текширилаётган иссиқлик беришгагина тааллукли.

Иш юзасидан ёзилган ҳисоботда ишнинг қисқа баёни, тажриба чизмаси, тажриба натижалари ёзилган жадвал, ҳисоблар, $\alpha = f(\Delta t)$ графиги бўлиши керак.

9.1-жадвал

Мис—константа термојуфтларининг градировкаси

$^{\circ}\text{C}$	0	1	2	3	4	5	6
30	1,18	1,22	1,26	1,30	1,34	1,38	1,42
40	1,58	1,62	1,66	1,70	1,74	1,78	1,81
50	1,97	2,01	2,05	2,09	2,13	2,17	2,22
60	2,41	2,46	2,51	2,56	2,61	2,66	2,71
70	2,90	2,95	3,00	3,05	3,10	3,14	3,19
80	3,39	3,44	3,49	3,54	3,58	3,63	3,68
90	3,88	3,93	3,97	4,02	4,07	4,12	4,17
100	4,36	4,41	4,46	4,51	4,56	4,60	4,65
110	4,85	4,90	4,94	4,99	5,04	5,09	5,14
120	5,33	5,38	5,43	5,48	5,52	5,57	5,62

Gr·Pr						
Gr						
Nu						
α , $Bt/m^2 \cdot K$						
Q_k , Bt						
Q_n , Bt						
t_{ik} , ${}^{\circ}C$						
t_c , ${}^{\circ}C$						
Термояндулар күрсаткычи						
	$t_{12},$ ${}^{\circ}C$					
		$t_{11},$ ${}^{\circ}C$				
			$t_{10},$ ${}^{\circ}C$			
				$t_9,$ ${}^{\circ}C$		
					$t_8,$ ${}^{\circ}C$	
						$t_7,$ ${}^{\circ}C$
						$t_6,$ ${}^{\circ}C$
						$t_5,$ ${}^{\circ}C$
						$t_4,$ ${}^{\circ}C$
						$t_3,$ ${}^{\circ}C$
						$t_2,$ ${}^{\circ}C$
						$t_1,$ ${}^{\circ}C$
Q , Bt						
ΔU , B						
I, A						
Үлчаш						
Холат						

ЙЎЛАКЛИ ЖОЙЛАШГАН ҚУВУРЛАР БОГЛАМИДАН КЎНДАЛАНГ ОҚИБ ЎТАЁТГАН ҲАВОНИНГ ИССИКЛИК БЕРИШ КОЭФФИЦИЕНТИНИ АНИҚЛАШ

Ишнинг мақсади: кўндаланг қувурлар боғламидан оқиб ўтаётган газларнинг иссиқлик бериш назарияси бўйича олинган билимларни мустаҳкамлаш ва тажриба олиб боришда кўникмага эга бўлиш.

Топширик:

1. Йўлакли жойлашган қувурлар боғламидан кўндаланг оқимнинг иссиқлик бериш коэффициент катталигини аниқлаш ва ҳаво оқимини тезликдан ўзгариш қонуниятини ўрнатиш.
2. Тажриба натижаларини қайта ишлаш ва уларни умумлаштирилган ҳолда бериш.

I. НАЗАРИЙ ҚИСМ

Рейнольдснинг кичик сонларида (бирга тенглигидаги) суюклик оқими билан қувурлар сиртининг узлуксиз ювилиши кузатилади. Рейнольдснинг катта сонларида эса факат юза қисми бир текисда ювилади. Қувурларнинг орти қисмидаги сиртдан суюқликни чегарадош катламининг силжиши туфайли, мураккаб уюрмали харакат вужудга келади. Шу сабабли цилиндрнинг периметри бўйича иссиқлик бериши шиддатлилиги текис бўлади. Қувур боғламидининг иссиқлик бериш қувур диаметрига, уларнинг кўндаланг ва бўйлама қадамига, қувурлар жамланишига, суюқликнининг ҳароратига ва физик хусусиятларига боғлиқ ҳам бўлади.

Суюқлик оқими қувурлар боғламидининг кўндаланг ювилишида иссиқлик бериш шароитлари мезонли боғлиқлик билан таърифланади:

$$\overline{Nu} = f(Re, Pr, \frac{S_1}{d}, \frac{S_2}{d}, n), \quad (10.1)$$

бунда: $Nu = \frac{\overline{\alpha d}}{\lambda}; Re = \frac{wd}{\gamma}; Pr = \frac{\gamma}{\alpha};$

$\bar{\alpha}$ – п қатори учун ўртача иссиқлик берувчанлик коэффициенти, $\text{Вт}/\text{м}^2\text{K}$;

d – қувур диаметри, м;

W – боғламнинг торайган кесимидағи суюқликнинг ҳаракат тезлиги, $\text{м}/\text{с}$;

α – суюқликнинг иссиқлик берувчанлик коэффициенти, $\text{Вт}/\text{мK}$;

$\frac{S_1}{d}, \frac{S_2}{d}$ – қувурлар орасидаги бўйлама ва кўндаланг нисбий қадамлар;

n – тўпламдаги қувурлар қатори сони.

Нисбий қадамлар берилган қувурлар тўплами учун доимий катталик эканлигини ҳисобга оламиз:

$$\frac{S_1}{d} = \text{const}, \quad \frac{S_2}{d} = \text{const}.$$

Хаво учун ҳарорат кам ўзгарганда $\text{Pr}=\text{const}$ деб олсак, (10.1) боғлиқликни соддалаштириш мумкин:

$$\overline{Nu} = f(\text{Re})^n \quad (10.2)$$

$$\overline{Nu} = c \text{Re}^n$$

Тажриба кўрсаткичларига асосланиб, ўртача иссиқлик берувчанлик коэффициентини қўйидаги тенглиқдан аниқлаймиз:

$$\alpha = \frac{Q_k}{F(t_c - t_x)}, \quad \text{Вт}/\text{м}^2 \text{ K} \quad (10.3)$$

бу ерда Q_k – F юзали учинчи қаторнинг битта қувуридан конвекция усулида берилётган иссиқлик микдори, Вт ;


F – қувур сирти юзаси, м^2 ;

t_c – иссиқлик алмашинув юзаси ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$;

t_m – муҳит (хаво) нинг ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$.

П. ТАЖРИБА ҚУРИЛМАСИННИГ БАЁНИ

Кувур түплами ning иссиқлик беришини аниклаш тажриба қурилмаси (10.1-расм) аэродинамик қувур 1, йўлакли жойлашган қувурлар боғлами жойлашган тўғри бурчакли кўндаланг кесими 210x155 мм, узунлиги 2,85 м бўлган ишчи қисм 2, вентилятор 4 ва ўлчов асбобларидан иборат. Ишчи қисм аэродинамик қувур 1,42 м да жойлашган. Ҳаво оқимининг тезлиги шибер 3 билан ўзгартирилади, вентилятор ва аэродинамик қувур орасидаги ўтувчи патрубок стандарт диаграфма 6 ўлчанади, диаграфмадаги босим ўзгариши микроманометр 7 билан ўлчанади. Диаграфма тарировкаси 10.1-жадвалда келтирилган. Вентилятор электр двигатель билан ҳаракатга келтирилади.



Тұплам бүйлама ва күндаланг қадамлари $S_1=S_2=30$ мм, диаметри $d=12$ мм, узунлиги $\ell=210$ мм-ли 4 қатор мис қувурлардан тузилган.

Иссиқлик берувчанлик коэффициенти уч қатордаги ҳар бир қувурлар тұплами учун алохіда аниқланади. Бунинг учун ҳар қатордаги қувур 8 электр иситгич 9 нинг қуввати автотрансформатор 15 билан ростланади ва вольтметр 16, амперметр 17 күрсаткичларидан аниқланади. Иссиқлик изоляцион материаллар 11 билан ёпилған. Қувурлар сирти ҳарорати мис-константа термојуфтлари 10 билан үлчанади, унинг тарировкаси 10.2-жадвалда көлтирилған.

Термојуфтнинг иссиқлик э.ю.к.и потенциометр 14 билан үлчанади. Термојуфтнинг совуқ учи эриётган музли Дьюар идиши 12 га жойлаштирилған. Оқим ҳарорати хонадаги симобли термометр билан үлчанади.

III. ТАЖРИБАНИ ҮТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА УСУЛИ

Курилма баёни билан танишиб, тажриба натижаларини ёзиш учун жадвал тайёрланади. Үқитувчи бошчилигіда үлчаш асбобларининг тұғри ёқылғанлиги ва идишда муз борлиги текшириб күрилади. Шиберни очиб, ҳавонинг максимал сарғы үрнатылади. Вентилятор ишга туширилади, қувурлар тұпламининг учинчи қаторида үрнатылған электр иситгичга уланған вольтметр, амперметр орқали ток кучи ва кучланиш берилади. Электр иситгич қувватининг үзгариши автотрансформатор билан ростланади.

Қувурлар сирти ҳарорати курилма ишга тушгандан 5 минутдан кейин үлчанади. Қувурлар сиртида 15-20 минутдан кейин ҳарорат үзгармаганда барқарор ҳолат вужудға келади. Барқарор ҳолатгача ҳамма үлчаш асбобларидан 5 минут оралиғида 3-4 марта күрсаткичларни ёзіб олиш керак. Кейин шибер ҳолатини үзгартыриб, курилманинг иш ҳолатини үзгартырамиз ва тажрибани тақрорлаймиз. Иш ҳолатини 4-5 марта үзгартыриш керак.

Иш охирида олдин электр иситгич үчирилади, вентилятор эса 3 минутдан кейин үчирилади.

ІҮ. ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

Тажриба қувуридан атрофдаги ҳавога конвекция усулида иссиқлик берилиши қуйидаги тенгликдан аниқланади:

$$Q_K = Q_0 - Q_H, \quad \text{Вт} \quad (10.4)$$

бу ерда: $Q_0 = I \Delta U$ – конвекция ва нурланиш ёрдамида қувурдан ажралган тұлғы иссиқлик микдори, Вт;

I – ток кучи, А;

ΔU – күчланишнинг пасайиши, В;

Q_H – қувурдан нурланиш усулида иссиқлик микдорининг ажралиши, Вт.

$$Q_H = C_K \left[\left(\frac{T_{K.C.}}{100} \right)^4 - \left(\frac{T_M}{100} \right)^4 \right] F, \quad \text{Вт} \quad (10.5)$$

бу ерда: C_K – келтирилган нурланиш коэффициенти, $\text{Вт}/\text{м}^2 \text{К}^4$.

Атрофдаги жисмлар сирти тажриба қувури сиртидан бир неча баробар катта, шунинг учун келтирилган нурланиш коэффициентини тажриба қувурининг нурланиш коэффициентига тенг деб олиш мүмкін.

$$C_K = C = 4,25 \text{ Вт}/\text{м}^2 \text{К}^4.$$

$T_{K.C.}$, T_M – тажриба қувури сиртининг ва атроф мұхитнинг мутлақ ҳарорати.

4-5 ҳаво оқими тезликлари учун ҳисобланган иссиқлик берувчанлик коэффициентлари билан $\bar{\alpha} = f(w)$ график чизилади. Кейин Нуссельт ва Рейнольдс мезонлари аниқланади. Бу мезонларга кирган ҳавонинг физик параметрлари (логарифм координаталарида) $\bar{Nu} = f(Re)$ боғлиқлиги графигига қўйилади. Ҳосил қилинган тўғри чизик қуйидаги тенглама билан ёзилади:

$$\bar{Nu} = f(Re)^n \quad (10.6)$$

Даража кўрсаткичи n тўғри чизик тангенси билан аниқланади, доимий С эса қуйидагича топилади:

$$C = \frac{\overline{Nu}}{\overline{Re}^n}$$

(10.6) тенглама учинчи ва кейинги қатор қувурлар тўпламининг топилган Re сонларининг оралигидаги иссиқлик берувчанлик коэффициентларини аниқлашда тўғри келади.

Ўртача иссиқлик берувчанлик коэффициентларини аниқлашда тўпламнинг биринчи $\bar{\alpha}_1$ ва иккинчи $\bar{\alpha}_2$ қаторларида шу қувурларни қўшган ҳолда тажриба ўтказишни такрорлаш керак.

Иссиқлик берувчанлик коэффициентлари $\bar{\alpha}_1$ ва $\bar{\alpha}_2$ қуйидаги шартдан аниқланиши мумкин:

$$\begin{aligned}\bar{\alpha}_1 &= \varepsilon_1 \cdot \bar{\alpha}_3 \\ \bar{\alpha}_2 &= \varepsilon_2 \cdot \bar{\alpha}_3\end{aligned}\quad (10.9)$$

$$\varepsilon_1 = 0,6 ; \quad \varepsilon_2 = 0,9.$$

Ҳамма тўпламнинг ўртача иссиқлик берувчанлик коэффициентлари барча қувурлар сиртлари тенг бўлган шароитда қуйидаги тенглама билан топилади:

$$\bar{\alpha} = \frac{\bar{\alpha}_1 + \bar{\alpha}_2 + (n - 2)\bar{\alpha}_3}{n}$$

$\bar{\alpha}$ – тўпламнинг ўртача иссиқлик берувчанлик коэффициенти, $\text{Bt}/\text{m}^2\text{K}$;

$\bar{\alpha}_2 + (n - 2)\bar{\alpha}_3$ – биринчи, иккинчи ва учинчи қаторлар тўплами ўртача иссиқлик берувчанлик коэффициентлари, $\text{Bt}/\text{m}^2\text{K}$;

n – тўпламдаги қаторлар сони.

Иш юзасидан ёзилган ҳисоботда ишнинг қисқа баёни, тажриба чизмаси, тажриба натижалари ёзилган жадвал, ҳисоблар, $\bar{\alpha} = f(w)$ ва $\overline{Nu} = f(Re)$ боғлиқлик графиклари бўлиши керак.

10.1-жадвал

Стандарт диафрагманинг тарировкаси

ΔP , мм сув.уст.	W, м/с	ΔP , мм сув уст.	W, м/с	ΔP , мм сув уст.	W, м/с
1	0,42	11	1,3	21	1,8
2	0,59	12	1,36	22	1,84
3	0,69	12	1,41	23	1,88
4	0,79	14	1,47	24	1,92
5	0,88	15	1,52	25	1,96
6	0,96	16	1,57	26	2,00
7	1,03	17	1,62	27	2,03
8	1,10	18	1,67	28	2,07
9	1,17	19	1,71	29	2,10
10	1,24	20	1,76	30	2,13

10.2-жадвал

Мис-константа терможуфтларининг градировкаси

t, °C	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9
30	1,18	1,22	1,26	1,30	1,34	1,38	1,42	1,46	1,50	1,54
40	1,8	1,62	1,66	1,70	1,74	1,78	1,81	1,85	1,89	1,93
50	1,97	2,01	2,05	2,09	2,13	2,17	2,22	2,27	2,32	2,36
60	2,41	2,46	2,51	2,56	2,61	2,66	2,71	2,76	2,80	2,85
70	2,90	2,95	3,00	3,05	3,10	3,14	3,19	3,24	3,29	3,34
80	3,39	3,44	3,49	3,54	3,58	3,63	3,68	3,73	3,78	3,83
90	3,88	3,93	3,97	4,02	4,07	4,12	4,17	4,22	4,26	4,31
100	4,36	4,41	4,46	4,51	4,56	4,60	4,65	4,70	4,75	4,80
110	4,85	4,90	4,94	4,99	5,04	5,09	5,14	5,19	5,23	5,28
120	5,33	5,38	5,43	5,48	5,52	5,57	5,62	5,67	5,72	5,77

Асбоблар күрсатиши ва тажриба натижалари жазылған

n			
C			
Nu			
Re			
$\bar{\alpha}$, BT/m ² ·K			
α_{II} , BT/m ² ·K			
α_I , BT/m ² ·K			
α_{III} , BT/m ² ·K			
Q _k , BT			
Q _λ , BT			
W, m/c			
ΔP, мм сув уст.			
t _B , °C			
t _c	°C MB		
Q, BT			
ΔU, B			
I, A			
Үлчов			
Холат			

ЭРКИН КОНВЕКЦИЯДА ҚАЙНАЁТГАН СУВНИНГ ИССИКЛИК БЕРИШИ

Ишнинг мақсади:

1. Суюқликларнинг қайнашида иссиқлик бериш назарияси бўйича олинган билимларни мустаҳкамлаш ва тажриба олиб боришида кўнукмага эга бўлиш.
2. Иссиқлик берувчанлик коэффициентини иссиқлик кучланишига боғлиқлигини аниклаш.

Вазифа:


Катта ҳажмда қайнаётган сувнинг иссиқлик берувчанлик коэффициенти қийматини ва иссиқлик берувчанлик коэффициенти ва иссиқлик кучланиши боғлиқлигини аниклаш.

I. НАЗАРИЙ ҚИСМ

Бу иш пуфакчали қайнаётган суюқликнинг иссиқлик берувчанлигини тажриба йўли билан аниклашга асосланган. Иссиқлик алмашинув юзасида буғ фазаси алоҳида буғ пуфакчалари кўринишида ҳосил бўлишига суюқликнинг пуфакчали қайнаши дейилади. Буғ фазасининг ҳосил бўлиш асосий шартларидан бири – иситиш юзасидаги қайнаётган суюқлик ҳар доим берилган босимдаги тўйиниш ҳароратидан нисбатан қизиган бўлади. Иккинчи керакли шарт – буғ ҳосил бўлиш марказлари юзасида микроскопик тирқиши (дарз), қумлар бўлиши керак. Буғ ҳосил бўлиш марказларида маълум қиздириш натижасида буғ пуфакчалари ҳосил бўлади. Суюқликнинг буғланиши натижасида пуфакчалар сони ортади. Пуфакчалар маълум диаметрга эга бўлса, улар ўрнига янги пуфакчалар ҳосил бўлади.

II. ТАЖРИБА ҚУРИЛМАСИ БАЁНИ ВА ТАЖРИБА ҮТКАЗИШ ТАРТИБИ

Катта ҳажмда суюқликнинг қайнаши юпқа деворли диаметри $d_r = 7,5$ мм, девор қалинлиги $\delta = 0,5$ мм ва узунлиги $\ell = 280$ мм горизонтал зангламайдиган пўлат қувурда содир бўлади. Қувур ундан паст кучланишли ўзгарувчан токни үтказиш билан қиздирилади. Қувурнинг ток үтказадиган қисмлари кучланишнинг пасайишини камайтириш учун мисдан ишланган. Электр қиздиргичнинг ишчи қисмидан қайнаётган сувга ўтаётган иссиқлик оқими амперметр (13) ва вольтметр (14) кўрсаткичлари орқали аниқланади. Қайнаётган суюқликнинг ҳарорати кўчувчан мис-константа терможуфти (6) билан ўлчанади. Иссиқлик берадётган юзанинг ҳароратини ўлчаш учун қувур ичига иккита мис-константа терможуфти (7) ўрнатилган.



11.1-расм

Қувур ичидаги ҳаво ҳарорати қувурнинг ички юзаси ҳароратига teng. Девордаги ҳарорат ўзариши ички иссиқлик манбалари мавжуд бўлгандаги цилиндрк девор иссиқлик үтказувчанлиги тенгламасидан аниқланади:

$$\delta t = \frac{qd_m}{2\lambda} \left[0,5 - \frac{d_{uq}^2}{d_m^2 - d_{uq}^2} \ln \frac{d_m}{d_{uq}} \right] , \quad (11.1)$$

бу ерда q – солиширига иссиқлик оқими, $\text{Вт}/\text{м}^2$;

$$q = \frac{I\Delta U}{F} , \quad \text{Вт}/\text{м}^2 \quad (11.2)$$

I – ток кучи, А;

ΔU – кучланишнинг пасайиши, В;

F – қувур юзаси, м^2 ;

D_t, d_{uq} – электр қиздиргич қувуригининг ташқи ва ички диаметрлари, мм;

$\lambda = 16 \text{ Вт}/\text{м} \cdot \text{К}$ – иситгич ишланган материалнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти (занглашадиган пӯлат).

Қувурниг ташқи юзаси ҳарорати

$$t_\delta = t_{uq} - \delta t$$

Иссиқлик берувчанлик коэффициенти Ньютон-Рихман тенгламасидан ҳисоблаб топилади:

$$\alpha = \frac{q}{t_c - t_\infty} , \quad \text{Вт}/\text{м}^2\text{К} \quad (11.3)$$

Үлчанаётган ва ҳисобланадиган катталиклар жадвалга ёзилади. Ҳамма ўлчовлар барқарор иссиқлик ҳолатида 4-5 иссиқлик юкламаларида ўтказилади. Кучланишни РНО-250-10 кучланиш ростлагичи билан ўзгартирилади.

V. ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИКИШ


Олинган тажриба натижалари турли иссиқлик оқимларидаги иссиқлик берувчанлик коэффициентларини даражали тенглама билан умумлаштириш керак:

$$\alpha = Aq^n \quad (11.4)$$

Логарифмик координатада $\ln \alpha - \ln q$ тенглама түғри чизик тенгламаси бўлиб ҳисобланади.

Тенгламадаги n даражасынан күйидеги түгри чизик бурчак тангенсідан аникланади, A қуйидеги нисбатдан аникланади:

$$A = \frac{\alpha}{q^n}, \quad (11.5)$$



11.2-расм.

Иш юзасидан ёзилған ҳисоботда ишнинг қисқа баёни, тажриба чизмаси, тажриба натижалари ёзилған жадвал, ҳисоблар бўлиши керак.

Асбоблар күрсатиши ва тажриба натижалари жадвали

Х0- лат \mathcal{N}_Ω	\dot{Y}_L чов	I_* A	ΔU , B	Q_* B_T	$q,$ B_T/M^2	t_{H_1}	$\delta t,$ 0C	Δt_{d_s} 0C	t_d	$\Delta t,$ 0C	$\alpha,$ $B_T/m^2 K$
						mB	0C	mB	0C	mB	

12 - тажриба иши

ҚАТТИҚ ЖИСМНИНГ НУРЛАНИШ КОЭФФИЦИЕНТИНИ КАЛОРИМЕТРИК УСУЛ БИЛАН АНИҚЛАШ

Ишнинг максади:

1. Тажриба ўтказишдаги янгиликларни ўзлаштириш.
2. Қаттиқ жисмнинг нурланиш коэффициентини тажриба нули билан аниклаш.
3. Нурланиш коэффициентининг ҳароратга боғлиқлигини аниклаш.

Вазифа: Текширилаётган жисмнинг нурланиш коэффициентини топиш ва унинг ҳароратга боғлиқлигини аниклаш.

I. НАЗАРИЙ ҚИСМ

Иссиқлик нурланиши бу - нур тарқатаётган жисм ички энергиясининг электромагнит түлкін тарқатиш жараёнидир.

Иссиқлик оқимининг катталигини аниклаш учун нурланиш коэффициентини билиш зарур. Нурланиш коэффициенти нурланувчи жисмнинг табиатига, ҳароратига, сирт юзасининг тузилишига, металл учун эса - юзасининг оксидтаниш даражасига ҳам боғлиқ бўлади.

Қандайдир қаттиқ жисмдан уни ўраб турган қобиғига берилаетган иссиқлик миқдори қўйидаги тенглама орқали аникланади:

$$Q_b = C_{1,2} \left[\left(\frac{T_1}{100} \right)^4 - \left(\frac{T_2}{100} \right)^4 \right] \cdot F_1, \text{ Вт} \quad (12.1)$$

бу ерда: T_1 – нурланаётган жисм ҳарорати, К;

T_2 – атроф-мухит ҳарорати, К;

F_1 – нурланаётган сирт юзаси, м^2 ;

$C_{1,2}$ – жисмлар системаси (металл тола ва шиша қобиғи)нинг келтирилган нурланиш коэффициентига тенг:

$$C_{1,2} = \frac{1}{\frac{1}{C_1} + \frac{F_1}{F_2} \left(\frac{1}{C_2} - \frac{1}{C_0} \right)}, \quad \frac{Bm}{m^2 K^4} \quad (12.2)$$

бу ерда: C_1 , C_2 , C_0 – мос равиша металл тола, шиша қобиғи ва мутлақ қора жисмнинг нурланиш коэффициентлари, $\text{Вт}/\text{м}^2\text{К}^4$;

F_1 ва F_2 – жисм ва қобиғининг сирт юзаси, м^2 ; нурланиш юзаси F_1 қобиғи юзаси F_2 дан кичик бўлгани ($F_1 << F_2$) деб қабул қилиш мумкин.

Бу ишда нурланиш коэффициентининг ҳароратга боғлиқлигини калориметрик усулда топиш керак. Калориметрик усул нурланаётган жисмнинг нурланиш оқимини, ҳароратини ва қобиғининг ҳароратини ўлчашга асосланган. Нурланиш коэффициентини (1) tenglamaga асосан қуидаги tenglikdan топиш мумкин:

$$C_1 = \frac{Q_u}{F_1 \left[\left(\frac{T_1}{100} \right)^4 - \left(\frac{T_2}{100} \right)^4 \right]} \cdot \frac{BT}{m^2 K^4} \quad (12.3)$$


Демак, (3) tenglamадаги C_1 ни топиш учун F_1 ни билиш керак ва тажриба йўли билан Q_u , T_1 , T_2 ларни аниклаш керак.

II. ТАЖРИБА ҚУРИЛМАСИ БАЁНИ

Нурланиш коэффициентини аникладиган тажриба қурилмаси калориметр, автотрансформатор, ток тўғрилагич ва ўлчайдиган асбоблардан тузилган (12.1-расм).

Текширилаётган жисм – диаметри $d = 0,5$ мм, узунлиги $l=280$ мм бўлган молибден толаси иккала девори совук сув билан совитиб туриладиган шиша идишга ўрнатилган. Конвектив иссиқлик алмашинуви ва иссиқлик ўтказувчанлик содир қилимаслик учун шиша идиш ичидаги 10^{-5} мм сим.уст.га тенг вакуум ҳосил қилинган.

Металл тола ўзидан ўзгармас электр токи ўтказиш йўли билан қиздирилади. Автотрансформатор орқали қувват созланади.



12.1-расм.

1-калориметр; 2-молибден тола; 3-лаборатория автотрансформатори; 4-реостат; 5-ток түғрилагич; 6-нормал қаршилик; 7-улагич; 8-потенциометр; 9-Дьюар идиши; 10-кучланиш тақсимлагиши; 11-совитувчи сувнинг кириши ва чиқиши.

Толани қиздириш учун керак бўлган қувват ўлчанаётган жойдаги кучланишнинг пасайиши ва ток кучи бўйича аниқланади.

Үлчанаётган жойдаги текширилаётган толадаги кучланишнинг пасайиши потенциометр ПП-1 билан үлчанади, у үлчанаётган чизма тасвирига кучланиш тақсимлагичи ёрдамида уланган.

Ток кучи чизма тасвирига уланган нормал қаршилик ёрдамида аниқланади. Унинг катталиги ўзгармас ва $R_n = 0,01 \Omega$ га teng. Нормал қаршилиқдаги кучланиш пасайиш ΔU_n ни үлчаб, Ом қонуни ёрдамида занжирдаги ток кучини аниқлаймиз.

Текширилаётган толанинг ҳарорати унинг омик қаршилиги бўйича аниқланади. Жадвалда (12.1-илова) толанинг омик қаршилигининг ҳароратга боғлиқлиги $R=f(t)$ келтирилган. Чунки иссиқлик оқими толанинг иссиқлигидан унча катта эмас, калориметрдаги сувнинг сарфланиши эса катта, шунинг учун идишнинг ички юзасидан ҳароратни совитувчи сувнинг ҳароратига teng деб олса бўлади. Калориметрдан чиқаётган сувнинг ҳароратини термометр ёрдамида үлчаб олинади.

IV. ТАЖРИБАНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ

Тажриба курилмаси (12.1-расм) билан танишиб бўлгандан кейин тажрибадан олинган натижаларни ёзиб олиш учун 12.1-жадвални чизиш керак.

Системада барқарор иссиқлик ҳолати бошлангандан кейин үлчашлар ёзиб борилади. Бу ҳолатда вакт ўтиши билан ҳамма ўлчов асбобларининг кўрсаткичи ўзгармайди. Бу ҳолат курилмага электр токини, совук сувни берилгандан кейин ҳар 8-10 минутда ўрнатилиади. Барқарор ҳолатда 5 минут оралиги билан 3-4 марта ҳамма ўлчов асбобларининг кўрсаткичи ёзиб олинади. Агар асбобларнинг кўрсаткичи ўзгармаса, тажриба ўтказишни тугатиб, иккинчи ҳолатга ўтиш мумкин. Кейинги тажриба системанинг бошка ҳарорат ҳолатида ўтказилади. Тажрибани тола ҳарорати 100°C оралиғида 4-5 марта ҳарорат ҳолатида ўтказиш мумкин.

V. ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Тажриба натижаларини ишлаб чиқишида фақат барқарор иссиқлик ҳолатида олинган қийматлар ишлатилади. Ҳар бир ҳарорат ҳолатида олган асбоб кўрсаткичларнинг ўртача арифметик қиймати аниқланади. Текширилаётган нурланиш коэффициентини (3) тенглама ёрдамида аниқланади. Шиша идишдаги текширилаётган толанинг чиқаётган нурланиш иссиқлигини оқими қўйидаги тенглама оркали аниқланади.

$$Q_n = J \Delta U , \text{ Вт} \quad (12.4)$$

бу ерда: J – занжирдаги ток кучи, A :

ΔU – ўлчанаётган жойдаги кучланиш пасайиши, B ;

Ўлчанаётган жойдаги текширилаётган толанинг кучланиш пасайиши қўйидаги боғланишдан аниқланади:

$$\Delta U = \Delta U_{\text{т.ум}} \frac{R_{\text{т.ум}}}{R_{\text{т.улч}}} , \text{ В} \quad (12.5)$$

бу ерда: $\Delta U_{\text{т.ум}}$ – тақсимлагичдан кучланиш пасайиши, B .

$R_{\text{т.ум}}$ – умумий омик қаршилик, 10^4 Ом га тенг.

$R_{\text{т.улч}}$ – ўлчанаётган жойдаги тақсимлагичнинг қаршилиги, 200 Ом га тенг.

Ток кучи қўйидаги тені ламадан аниқланади:

$$J = \frac{\Delta U_n}{R_n} , \text{ А} \quad (12.6)$$

бу ерда: ΔU_n – нормал қаршилиқдаги кучланиш пасайиши, B :

R_n – нормал қаршилик, 0,01 Ом га тенг.

Толанинг ҳарорати унинг омик қаршилиги бўйича аниқланади:

$$R = \frac{\Delta U}{J} , \text{ Ом} \quad (12.7)$$

Текширилаётган толанинг сирт юзасидаги хар хил ҳарорати учун нурланиш коэффициентини аниклаб, чизмасини чизамиш:

$$C=f(t_1)$$

Иш юзасидан ёзилган хисоботда ишнинг қисқа баёни, тажриба чизмаси, тажриба натижалари ёзилган жадвал, хисоблар, $C=f(t_1)$ график бўлиши керак.

12.1-илова

Молибден толасининг омик қаршилигининг ҳароратга боғлиқлиги $R \cdot 10^2$ Ом

градуслар 10 талик градуслар	0	2	4	6	8
60	8,22	8,29	8,36	8,42	8,49
70	8,56	8,63	8,70	8,76	8,83
80	8,69	8,97	9,04	9,10	9,17
90	9,24	9,31	9,38	9,84	9,50
100	9,56	9,63	9,70	9,76	9,83
110	9,90	9,97	10,04	10,10	10,17
120	10,23	10,30	10,37	10,44	10,51
130	10,57	10,64	10,71	10,78	10,85
140	10,90	10,97	11,04	11,10	11,17
150	11,24	11,31	11,38	11,44	11,51
160	11,58	11,65	11,72	11,78	11,85
170	11,91	11,98	12,05	12,12	12,19
180	12,25	12,32	12,39	12,46	12,53
190	12,58	12,65	12,72	12,78	12,85
200	12,92	13,00	13,06	13,12	13,19
210	13,26	13,33	13,40	13,47	13,53
220	13,59	13,66	13,73	13,80	13,87
230	13,93	14,00	14,07	14,14	14,21
240	14,26	14,33	14,40	14,47	14,54
250	14,60	14,67	14,74	14,80	14,87
260	14,94	15,01	15,08	15,14	15,21
270	15,27	15,34	15,41	15,48	15,55
280	165,61	15,68	15,75	15,82	15,89
290	15,94	16,01	16,08	16,19	16,21
300	16,28	16,31	16,42	16,49	16,56

Асбоблар күрсатиши ва тажриба натижалари жадвали

Холат	Үлчов	I, A	ΔU_h , мВ	ΔU_d , мВ	ΔU , В	$Q_{л}$, Вт	R_1 , Ом	t_1 , $^{\circ}\text{C}$	t_2 , $^{\circ}\text{C}$	C, Вт/ $\text{м}^2\text{K}^4$
I	1									
	2									
	3									
II	1									
	2									
	3									
III	1									
	2									
	3									

АДАБИЁТЛАР

1. Кириллин В.А., Сычев В.В., Шейндин А.Е.. Техническая термодинамика. - М.: Энергоатомиздат, 1983.
2. Александров А.А., Григорьев Б.А.. Термодинамические свойства воды и водяного пара. - М.: МЭИ, 1999.
3. Осипова В.А. Экспериментальное исследование процессов теплообмена. -М.: Энергия, 1979.
4. Исаченко В.П. , Осипова В.А. , Сукомел А.С. Теплопередача. -М.: Энергоиздат, 1981.
5. http://dhes.ime.mrsu.ru/studies/tot/tot_lit.htm
6. http://rbip.bookchamber.ru/description.aspx?product_no=854
7. <http://energy-mgn.nm.ru/progr36.htm>

МУНДАРИЖА

1- лаборатория иши. Үта қизиган сув буғининг ўзгармас босимдаги иссиқлик сифимини аниклаш	3
2- лаборатория иши. Жисм қайнаганда босими ва ҳарорати орасидаги боғланишини тажриба йўли билан аниклаш	9
3- лаборатория иши. Конденсация усулида буғланиш иссиқлигини аниклаш	15
4- лаборатория иши. Стандарт диафрагма орқали ҳаво сарфини аниклаш	19
5- лаборатория иши. Нам ҳаво параметрларини аниклаш	24
6- лаборатория иши. Сув буғини тораювчан сопладан адиабатик оқиб чиқиш жараёнини текшириш	35
7- лаборатория иши. Адиабатик дросселланиш ёрдамида сув буғининг энталпиясини аниклаш	41
8- лаборатория иши. Нам тўйинган буғнинг қуруқлик даражасини аниклаш	49
9- лаборатория иши. Ҳавонинг эркин ҳаракатланишида вертикал қувурнинг иссиқлик бериши	52
10- лаборатория иши. Йўлакли жойлашган қувурлар боғламидан кўндаланг оқиб ўтаётган ҳавонинг иссиқлик бериш коэффициентини аниклаш	58
11- лаборатория иши. Эркин конвекцияда қайнаётган сувнинг иссиқлик бериши	66
12- лаборатория иши. Қаттиқ жисмнинг нурланиш коэффициентини калориметрик усул билан аниклаш	71
Адабиётлар	78

Мұхаррір: М.М.Ботирбекова

Босиға рұхсат этилди 12.02.2007 и. Бичими 60x84 1/16.
Шартла босма табори 5 Нұсқаси 50 дона. Буюртма № 138.

ДАТУ босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш,
Талабалар күчаси 54. гел 396 -- 63 -- 84.